O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 8 август, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 62 (7361)

Da'vat

Қаерда бўлишингиздан қатъий назар, ота-онангизнинг, халқимизнинг диққат-эътибори ҳамиша сизларда бўлади, чунки сиз каби ёшларни биз ўзимизнинг умид юлдузларимиз, келажагимиз эгалари деб биламиз.

И.КАРИМОВ

Ibrat

Андижон вилояти Марҳамат туманидаги Ип йигирув ва тўқув ҳиссадорлик жамияти шу туманга қарашли 14-мактаб-интернатига 5 йилдан бери ҳомийлик қилиб келаётир. Яқинда жамоа ҳар йилги анъаналарига содиқликни сақлаган ҳолда ушбу мактаб интернатга 138 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатди.

«УМИД» ЖАМҒАРМАСИ ГРАНТЛАРИ СОҲИБЛАРИГА

Азиз фарзандларим!

Сизларни халқимизнинг энг улуғ байрами — мустақиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида қўлга киритган катта зафар — хориждаги энг нуфузли илм даргоҳларида таҳсил олиш бахтига муяссар бўлганингиз билан чин қалбимдан муборак этаман.

Ўз ирода ва меҳнатингиз билан эришган бу ғалабангиз ҳам истиқлол берган беқиёс имкониятларнинг сиз, ёшларимиз ҳаётида намоён бўлишидан бир нишонадир.

Бугун сизларнинг зиммангизга бутун дунёга машҳур бўлган буюк ватандошларимизнинг муносиб вориси эканингизни амалда исбот этишдек улкан масъулият тушмоқда. Ҳеч шубҳа йўқки, дунёнинг ривожланган давлатларидаги университетларда таълим олар экансиз, ўз билимингиз, меҳнатсеварлигингиз ва ибратли ахлоқингиз билан Ўзбекистон таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарасини муносиб равишда кўрсата оласиз.

Бугун сизлар чет элларда таълим олиш учун жўнаб кетаётган экансизлар, бир нарсани зинҳор унутмаслигингизни сўрардим: қаерда бўлишингиздан қатъий назар, ота-онангизнинг, халқимизнинг диққат-эътибори ҳамиша сизларда бўлади, чунки сиз каби ёшларни биз ўзимизнинг умид юлдузларимиз, келажагимиз эгалари деб биламиз.

Ишонаманки, сизлар ҳам "Умид" йўлланмаси билан чет элларда ўқиб келган 350 дан зиёд ўғил-қизларимиз каби хорижий университетларни муваффақиятли тамомлаб, ота-оналарингиз қанотига кирасиз, Ватанимиз равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида фарзандлик садоқати билан меҳнат қиласиз.

Барчангизни яна бир бор бағримга босиб, хайрли сафар олдидан оқ йўл тилар эканман, Оллоҳ таоло сизларни ўз паноҳида асрашини, олижаноб интилишларингиз, дилингиздаги орзу ниятларингиз амалга ошишини тилаб қоламан.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.



ЯНГИ АСР УМИДЛАРИ

Бундан 4 йил олдин Ўзбекистон Республикаси Президентининг шахсий ташшабуси ва фармони билан иқтидорли ёшларни чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида "Умид" жамғармаси ташкил этилган эди. Ўтган давр мобайнида унинг йўлланмаси билан 742 нафар йигит-қизлар бакалавр ва магистрлик даражасини эгаллаш учун ривожланган давлатларнинг олий ўқув юртларига ўқишга юборилди.

Жумладан, АҚШда 341, Буюк Британияда 260, Германияда 74, Францияда 31, Японияда 20, Италияда 8 ва Канадада 8 нафар талабалар ўқишга муяссар бўлишган. Улардан 350 дан ортиғи Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши билан ташкил этилган махсус ишчи гуруҳи қарорига биноан республикамизнинг қатор вазирлик, идора, ташкилот ва корхоналарида ишлаб келишмоқда.

"Умид" жамғармасининг 2001-2002 ўқув йили танлов синовлари ҳам ўта талабчанлик руҳида ўтказилиб, натижада олий ўқув юртларини битирган ёки битираётган 600 дан ортиқ даъвогарлардан 44 нафари чет эл таълим муассасаларида магистратура бўйича илм олиш ҳуқуқига эга бўлишди.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Банклар уюшмаси банклараро молия хизматлари марказининг ҳашаматли биносида ғолибларни муборакбод этишга бағишланган анъанавий тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда грант совриндорлари, уларнинг ота-оналари, ҳукумат раҳбарлари, хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик миссиялари ва ваколатхоналари раҳбарлари, жамғарма бошқаруви аъзолари,олий ўқув юртлари раҳбарлари ҳамда жамғарманинг ҳомий ташкилотлари иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев Президент И.Каримовнинг "Умид" жамғармаси грантлари соҳибларига йўллаган табрик мактубини ўқиб эшиттирди. Шундан сўнг совриндорларга Президент совғаси ва чет эл олий ўқув юртларида таълим олишга ҳуқуқ берадиган сертификатларни Бош вазир ўринбосари, «Умид» жамғармаси раиси Р.Азимов топширди.

Грант соҳиблари ҳам ўз ўрнида Президент номига миннатдорчилик хати йўллашди.

Дарҳақиқат, бу ёшларга қараб фақат ҳавас қиласан киши...

Улар келажаги буюк юртнинг фарзандларидир. Халқимизда бир нақл юради, яъни ўқиган киши доим ютади. Бугунги умидчиларга қараб, бу фикрнинг ҳаққонийлигига яна бир карра тан бердик.

Фарҳод ЭРДОШЕВ,
"Маърифат" мухбири
В.ГРАНКИН олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Қадрли Ислом Абдуғаниевич!

Аввало, Сизни, бутун халқимизни фарзандларингиз номидан яқинлашиб келаётган энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мустақиллигимизнинг ўн йиллик шодиёнаси билан табриклаймиз.

Чексиз ғамхўрлик, оталарча самимият ва меҳр туйғулари билан йўғрилган табрик хатингиз учун биз — "Умид" жамғармасининг бу йилги совриндорлари Сизга ўзимизнинг бениҳоя миннатдорлигимизни изҳор этамиз. Мактубингиздаги эзгу тилакларингиз, ҳар бир панду насиҳат ва маслаҳатингизни юрагимизга жо айлаб, билдирган юксак ишончингизни оқлаш учун бор куч-ғайратимизни аямаймиз.

Истиқлол биз, ёшларга улкан имкониятлар эшигини очиб берди. Бевосита Сизнинг раҳнамолигингизда юзлаб тенгдошларимиз жаҳоннинг энг нуфузли ўқув даргоҳларида таҳсил олиш шарафига муяссар бўлди. Бугун бундай улкан бахт бизга ҳам насиб этиб турибди. Бу — юртимизда ёш авлодга кўрсатилаётган юксак эътиборнинг, "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт", деган ўтли даъватингизнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Бугун Ватандан олисга йўл олар эканмиз, биз жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган, буюк тарихга ва бетакрор маданиятга эга бўлган юрт фарзандлари, дунёда ўчмас ном қолдирган улуғ алломаларнинг ворислари эканимизни доимо ёдда сақлаймиз. Мустақил Ўзбекистонимиз, бунёдкор халқимиз бизга умид кўзларини тикиб турганини, энг муҳими, Ватанимиз олдидаги фарзандлик бурчимизни ҳеч вақт унутмаймиз, дея Сизни ишонтирамиз. Дунёнинг қайси мамлакатида бўлмайлик, аждодларимизга хос ақлий ва маънавий салоҳиятимиз, истеъдодимиз, одобу ахлоқимиз билан бошқа тенгдошларимизга ўрнак бўлишга, замонавий илм-фан сирлари ва илғор технологияларни қунт билан эгаллашга ваъда берамиз.

Муҳтарам Президентимиз!

Биз чиндан ҳам бахтиёр ёшлармиз. Зеро, юрт раҳбарининг, ота-онасининг оқ фотиҳасини олиб, давлат кўмагида жаҳоннинг энг илғор хорижий мамлакатларида билим олиш ҳар қандай юрт ёшлари ҳам ҳавас қилса арзийдиган улуғ саодатдир. Мана шундай улкан имконият яратиб берганингиз учун Сизга яна бир бор ўзимизнинг самимий ташаккуримизни изҳор қиламиз.

Халқимиз, элимиз, ёшларимиз бахтига доимо соғ-омон бўлинг, деб фарзандлик меҳри билан

2001-2002 ўқув йили бўйича
"Умид" жамғармаси грантлари совриндорлари.

ДАРСЛИКЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЖАРА УСУЛИ

Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида халқ таълими тизимидаги туб ислоҳотларнинг энг муҳим жиҳати — таълим мазмунини янгилашдир. Таълим мазмуни Давлат таълим стандартларида, ўқув дастурлари ҳамда дарсликларда акс этади. Чунончи, янги таълим тизимига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Давлат таълим стандартларини жорий этиш дарсликлар орқали босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Стандартлар асосида дарсликларнинг янги авлоди яратилиб, нашр этилмоқда, жойларга етказилмоқда, бозорларга сотув учун чиқарилмоқда. Ота-оналарни, айниқса, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан республикадаги барча мактабларнинг 1-синф ўқувчилари, меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаблар ўқувчилари дарсликлар билан бепул таъминланмоқда. Ушбу мақсадлар учун ҳукумат бюджетидан шу йилнинг ўзида 1 миллиард 600 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Мактабларнинг 2-синфидан бошлаб эса дарсликлар сотуви ташкил этилган.

Вазирлар Маҳкамасининг "Она ва бола" давлат дастурида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида ўқувчиларни пулли-қайтариб бериладиган дарсликлар билан таъминлаш тизимини, яъни ижара тизимини жорий йилнинг 1 сентябридан бошлаб ташкил этиш белгиланганди. Бунга амалий жавоб сифатида Халқ таълими вазирлиги томонидан Осиё Ривожланиш Банки Лойиҳаси доирасида Британия Кенгаши билан ҳамкорликда ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизими ишлаб чиқилди. Мазкур ижара тизими сентябрдан бошлаб ўқув йили давомида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг биттадан туманида, яъни 14 та тумандаги мактабларда синалади.

2001-2002 ўқув йилида дарсликлар билан таъминлаш ижара тизими қуйидаги туманларда фақат таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда синовдан ўтказилади. Жумладан, Беруний (Қорақалпоғистон Республикаси), Қўрғонтепа (Андижон в.,) Когон (Бухоро в.), Дўстлик (Жиззах в.), Ғузор (Қашқадарё в.), Навоий (Навоий в.,) Наманган (Наманган в.), Тойлоқ (Самарқанд в.), Ангор (Сурхондарё в.), Гулистон (Сирдарё в.), Бекобод (Тошкент в.), Собир Раҳимов (Тошкент ш.), Охунбобоев (Фарғона в.), Урганч (Хоразм в.) туманлари тажриба-синов ўтказиш учун энг мақбул ҳудудлар, деб топилди. Чунончи, дарсликлар билан таъминлашнинг ижара усули бўйича ўтказиладиган тажриба-синовда юқорида санаб ўтилган туманларга қарашли мактабларнинг 2, 3, 5, 6, 7 ва 8-синфларида ўқийдиган 260 минг нафардан ортиқ ўқувчилар иштирок этадилар.

Фарзандлари шу туманлардан биридаги мактабда ўқийдиган ота-оналар диққатига!

Агар болангиз 2,3, 5, 6, 7 ёки 8-синфларда ўқиётган бўлса, у ҳолда қуйидаги дарсликларни Сиз мактаб қутубхонасидан оласиз.

- 2-синф учун: **она тили, ўқиш китоби, математика, рус тили.**
- 3-синф учун: **она тили, ўқиш китоби, математика, рус тили**
- 5-синф учун: **она тили, адабиёт, математика, рус тили, ботаника, инглиз тили.**
- 6-синф учун: **она тили, адабиёт, математика, рус тили, инглиз тили, ботаника, зоология, физика.**
- 7-синф учун: **она тили, адабиёт, алгебра, рус тили, зоология, физика, Ўрта Осиё табиий географияси, Ўзбекистон табиий географияси.**
- 8-синф учун: **она тили, адабиёт, алгебра, физика, одам ва унинг саломатлиги, Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси, информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари, давлат ва ҳуқуқ асослари, иқтисодий билим асослари.**

Дарсликлар билан таъминлаш ижара тизимининг афзалликлари нималардан иборат?

Биринчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида оилалар, айниқса, кам таъминланган оилалар ижтимоий жиҳатдан ҳимояланади. Ота-она битта фарзандига барча дарсликларни сотиб олиш учун 7-8 минг сўм сарфлайди. Ижарага эса шу дарсликларнинг ҳаммасини 1,5-2 минг сўмга олади.

Иккинчидан, дарсликларни бозордан ҳаммасини топиш қийин, ижара тизимида эса дарсликлар мактаб томонидан берилади.

Учинчидан, синфдаги ўқувчиларнинг барчасини тўлиқ дарсликлар билан таъминлаш имкони яратилади.

Тўртинчидан, ўқувчиларни тежамкорликка, орасталикка ўргатади.

Бешинчидан, ижарага бериладиган дарсликлар полиграфик жиҳатдан юқори сифатли ва пухта бўлиб, улардан энг камида 4 йил давомида фойдаланиш мумкин.

Олтинчидан, ижара тизимига ўтилса, мактаб қутубхона жамғармаси шакллантирилади ва бойитиб борилади.

Ижара тизими қандай тартибда амалга оширилади?

- Ота-она фарзандига мактаб қутубхонасидан шартнома асосида керакли дарсликларни ижарага олади.
- Ота-она олган дарсликлар нархининг маълум фоизини тўлайди. Бу тахминан дарсликлар нархининг тўртдан бирини ташкил этади.
- Ижара ҳақи мактаб учун очилган банкдаги махсус ҳисобга ўтказилади. Ижара ҳақидан тушган пуллар махсус банк ҳисобида сақланади ва у фақат мактаб томонидан янги китоблар сотиб олиш учун сарфланади.
- Ўқув йили охирида ижарага олинган китоблар қутубхонага қайтарилади.
- Ота-оналарнинг имкониятидан келиб чиққан ҳолда дарсликларга ижара ҳақи ўқув йили давомида чораклар ёки ярим йиллик қилиб тўлашга ҳам рухсат берилади.
- Ижара ҳақи маҳаллий ҳокимият ёки ҳомийлар томонидан ҳам тўланиши мумкин.

Ҳурматли ота-оналар! Тажриба-синов муваффақиятли якунланса, у ҳолда 2002-2003 ўқув йилидан бошлаб дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизими бошқа мактабларга ҳам қўлланилиши кўзда тутилган. Бу усулнинг муваффақиятли амалга ошиши кўпроқ Сизга боғлиқ. Шунинг учун тажриба-синов жараёнида фаол иштирок этинг. Ўқув йили давомида таклифларингизни ва фикр-мулоҳазаларингизни "Маърифат" газетасига йўллаб туринг.

Акбар БАҲРОМОВ,
Халқ таълими вазирлиги Матбуот маркази раҳбари,
Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

Diqqat, tajriba!

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунини ҳаётга жорий этиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда махсус мухбиримиз Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманида бўлиб, "Ғунча" болалар боғчасида амалга оширилаётган қатор ибратли ишларни ўрганиб қайтди.

Bolalar bo'gchalarida

ҚУМҚЎРҒОННИНГ «ҒУНЧА»СИ

ОНАЖОНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Қумқўрғонда қумдан ясалган қўрғон борми? Мабодо тепаликларни қўрғон деб аташган бўлишса, Қумқўрғонда қумдан ясалган қўрғонлар кўп. Жудаям кўп. Термиз-Душанбе йўли бўйлаб Қумқўрғон тумани марказига кириб келарканмиз, диққатимизни беихтиёр улкан-улкан қум тепаликлари ўзига тортади. Залворли ва беҳисоб қум тепаликлари... Бу она-табиатимизнинг яна бир кўринишдаги мўъжизаси. Бу яратган эгамнинг иши. Қизиғи шундаки, ана шу қумтепалар шу юртимизга ўзига хос салобат ва гўзаллик бахш этиб турибди. Назаримизда, мазкур тепаликларга боқиб, шу юрт аҳлининг феъл-атвори, ўтмишию бугунини уқиб олиш мумкиндай...

Қумқўрғоннинг "Ғунча" деб номланувчи болалар боғчасига бурилдик. Боғчанинг гир атрофи, ичи супуриб-сидирилган, саранжом-сариштa. Ҳар ким ўз вазифаси билан машғул. 280 ўринли боғчада бирорта бўш жой йўқ. Демак, "Ғунча" ўзига хос обрў-эътибор қозониб, элда яхшилик билан ном чиқарган.

Хоналарни айландик. Тан олиш керакки, қайси бир хонага кирманг, фақат ихтироларнинг устидан чиқасиз. Гуруҳ хоналарида "Жонажон-Ўзбекистоним!" деб номланувчи бурчак ташкил этилган. Қайси гуруҳ хонасига кирманг, миллий қадриятларимизни тиклаш борасидаги ишларнинг устидан чиқасиз. Услубиёт хонаси, боғча музейи, мусиқа зали, мустақил машғулотлар хонаси, ота-оналар маслаҳатхонаси, инглиз тили хонаси, қўғирчоқ театри, овқатланиш хонаси, фитобар, маънавият ва маърифат хонаси, борингки, барча-барчаси ўта нафис бир дид билан безатилган. Хоналарда турли-туман гуллар ўстирилаяпти, қафасларда сайроқи қушлар парвариш қилиняпти. "Боғча опа"лар бири-биридан мазмунли машғулотлар ўтишяпти. Ошпаз холалар ширидан-шакар таомлар пиширишаяпти...

Ўрта гуруҳда инглиз тили муаллимаси Раъно Тўраеванинг қизиқарли машғулотлари устидан чиқдик. Кичкинтойлар бизни шеърият даврасига таклиф қилишди. Қизиқ, бири ўқиган шеърни иккинчиси инглиз тилида таржимасини ўқияпти. Буларнинг барчаси, албатта, Раъно-хон меҳнатининг маҳсули. Ўзини Умиджон дея таништирган болакайнинг иқтидори ростакамига мақтовга лойиқ. У мавлоно Мир Алишер Навоий ҳазратларининг ўгитларини ифодали ва образли ўқиб бердики, беихтиёр "офарин" дея ҳаммамиз қарсак чалиб юбордик.

"Ҳа, дарвеш қалбимизда қандайдир илиқлик ҳис қилдик. Ич-ичимиздан суюндик. Дарҳақиқат, юртимизнинг эртаси буюк. Вақти келиб ана шу Умиджон сингари фарзандларимиз она-Ўзбекистонимизни оламга танитади.

НАТАШАХОННИНГ НОЁБ ИҚТИДОРИ

Табиат — ҳаммамизнинг онамиз. Уни асраб-авайлаш эса биз фарзандларнинг муқаддас бурчимиздир. "Ғунча"да бўлган кунимиз яна бир муҳим тадбирдан, кичкинтойларни она-табиатга нисбатан ғамхўр ва меҳрибон қилиб тарбиялаш борасида олиб борилаётган ишлардан жуда хурсанд бўлдик.

(Давоми 2-бетда)

МИНГ САВОБГА САЗОВОРЛАР

Маълумки, зиё масканлари ҳисобланган мактабларнинг қанчалик обод ва кўркамлиги шу даргоҳда таҳсил олаётган ўқувчи-ёшларнинг илм олишларида қайсидир маънода ўз таъсир кучига эга. Бугунги кунда республикамизда қурилаётган кўплаб таълим масканларининг жаҳон андозаларига мос тарзда, замонавий типда бунёд этилиши замирида ҳам шу мақсад ётади.

Шу боис юртимиз мустақиллигининг муборак 10 йиллигини муносиб кутиб олиш ҳамда тараққиёт асри бўлиши кутилаётган XX1 асрнинг илк йилиданоқ ўқувчи-ёшларимизнинг дунё илми сирларини мукаммал эгаллашлари мақсадида табиий офат натижасида таъмир талаб бўлиб қолган бизнинг 14-мактаб жорий йилда туман ҳокимлигининг бевосита кўмаги билан ялпи таъмирдан чиқарилмоқда. 2 миллион сўмлик қийматдаги бажарилаётган таъмир ишларининг шу кунгача асосий қисми якунланиб, ҳозирда пардозлаш ишлари юқори суръатларда, сифатли амалга оширилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бу ишларнинг янги ўқув йили бошлангунга қадар тез ва сифатли бажарилишида фидойи меҳнат қилаётган "Азимбек" хусусий кўп тармоқли ишлаб чиқариш фирмаси ҳамда Баҳористон қишлоқ қурилиш корхонасининг 8-бўлими моҳир қурувчиларига мактабимиз жамоаси ўз миннатдорчилигини билдиради.

Албатта, бу ибратли ишлардан мактабимиз ўқитувчилари ҳам четда қолаётганлари йўқ. Айни пайтларда 20 ўқитувчидан тузилган махсус гуруҳ таъмирдан чиққан синфхоналарни юқори дид билан жиҳозлаш ишларини амалга оширмоқдалар.

Алломаларимизнинг айтишларича, мактаб учун битта ғишт қўйган инсон минг савобга сазовор бўлар экан. Ўйлаймизки, яратувчан халқимиз хар доим ана шундай савоб ишларни амалга ошириб боравердилар.

Шоймурод РАҲМОНОВ
Қамаши туманидаги 14-мактаб директори

Bu sizning kitobingiz — o'qing, o'rganing, asrang, avaylang!



ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА СОВҒА

2001-2002 ўқув йили Давлат таълим стандартлари ва янги ўқув дастури асосида Б.Аминов, Т.Тиловларнинг 8-синф учун лотин ёзувидаги "Одам ва унинг саломатлиги" дарслиги Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриётида чоп этилди.

Ўқув режасига асосан 8-синфда бу фанни ҳафтасига 2 соатдан, жами 68 соатда ўқиб ўрганишга мўлжалланган. Дарслик қалин муқовадабўлиб, унинг ташқи ва ички томонларида инсон аъзоларининг тузилиши рангли расмларда акс эттирилган. Янги дарсликда ўрганиш учун 16 боб, 55 та параграф, 92 та рангли расмлар берилган. Бу расмлар ўқувчиларнинг мустақил ўқишига ва фикрлашига имкон беради.

Дарсликнинг кириш қисмида маънавий ва ахлоқий етук, интеллектуал ривожланган, жисмонан бақувват, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантиришга қаратилган кенг кўламли тадбирларни амалга ошириш мақсадида мамлакатимизда 2000 йил Соғлом авлод йили деб эълон қилинганлиги қайд этилган. Шунга кўра дарсликда йигит-қизларнинг соғлом бўлиши ва оила қуришга тайёрлаш борасидаги муҳим йўл-йўриқлар ва тушунчалар берилган.

Бундан ташқари дарслик аввалида Ўзбекистонда тиббиёт фанининг қисқача ривожланиш тарихи ҳам берилган бўлиб, унда мазкур фанни ўрганишга катта ҳисса қўшган ватандошларимиздан Абу Бакр ибн Аҳавай Бухорий, Абу Мансур Бухорий, Абу Райҳон Беруний, жаҳон илмий тафаккури ривожига катта ҳисса қўшган буюк аллома Абу Али ибн Сино ва бошқалар ҳақида маълумот берилган. Шу билан бирга китобда ҳозирги даврда биология ва тиббиёт соҳасида кўпгина ишларни амалга оширган олимлардан О.Юнусов, У.Қодиров, З.Турсунов, Е.Маҳмудов, К.Раҳимов ва бошқалар ҳақида маълумотлар берилган.

(Давоми 2-бетда)

JUMLADA JAHON

- **Россия Федерацияси ҳарбий-денгиз флоти бош қўмондони ёрдамчиси Игорь Дигалонинг "Интерфакс" ахборот агентлигига берган хабарига кўра, "Курск" атом сув ости кемаси бўйича иш олиб бораётган ғаввослар 8-бўлмадаги ишларни ниҳоясига етказган ва бу кеманинг энг мустаҳкам қисми юзасидан 26 та техник лойиҳанинг еттинчиси эди.**
- **Газо секторидаги Байт-Ҳанун тумани ичкарисига бостириб кирган Исроил танкчилари оғир артиллерия ўқлари остида қолган ва фаластинликларнинг билдиришича, Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги Фаластин хавфсизлик хизматининг 3 та постига қилинган ҳужумда тинч аҳоли ҳам жабр кўргани боис танклар қаттиқ зарбага учраган.**
- **Руминиядаги кўмир қазиб олувчи Вулқон шахтасининг Валя Жиулий ҳавзасида юз берган портлаш оқибатида 14 киши ҳалок бўлган ва кейинги 15 йил давомида энг кучли портлаш дея баҳоланаётган ушбу воқеа сабаблари ўрганилмоқда.**
- **Москва шимолидаги "Алтай" меҳмонхонасида содир бўлган ёнғин ҳушёр одамлар томонидан хабар берилгач, ўт ўчириш ходимларининг тезкор гуруҳи томонидан 25 минут ичида бартараф этилган бўлса-да, бир кишининг ҳаёти бой берилди.**

Ўтган йили бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига етимлар, боламиқдан ногиронлар ва кам таъминланган оилалардан бўлган талабаларга 1 миллион 483 минг 146 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Менга ўзбекона миллий қадриятлар жуда-жуда ёқади. Бу борада анча-мунча ижод қилганман.

Ma'rifat

ҚУМҚЎРҒОННИНГ «ҒУНЧА»СИ

(Давоми.Боши 1-бетда)

Жамоа ташаббуси билан "Ғунча"да кичкинтойлар тасаввури асосида "Онажоним табиат" деб номланувчи чиройли музей ташкил этилган.

Табиат музейидаги кўргазмалар нафақат кичкинтойларни, балки катталарни ҳам бефарқ қолдирмайди. Музейдаги ҳар бир кўргазма қўлда тайёрланган бўлиб, улар қийқим матолардан топқирлик билан ясалган. Улар орқали Сурхон табиати ўта ишонарли бир тарзда талқин этилган. Мана, бу балиқ рус арчасининг мевасига ишлов бериб ясалган бўлса, хўрозча эса ошқовоққа қайта ишлов бериб ясалган. Иккинчи қаватдаги сунъий кўл ва унда сузиб юрган ўйинчоқ ғозларни қаранг... Ишонаверинг, бу ерда гўзал бўлмаган нарсанинг ўзи йўқ.

Мазкур кўргазмаларнинг барчасини иқтидорли тарбиячи Наташахон Беламицина ясаганлиги, Наташахоннинг қўллари гул эканлигини баён қилди боғча мудираси Қурбоной Сатторова.

Ўзбек қизларга ўхшаб ҳаё билан тортиниб турган Наташа Беламицинани суҳбатга тортдик:

— Мен бу санъатни онам Ирина Беламицинадан ўрганганман, — дейди Наташахон. — Менга ўзбекона миллий қадриятлар жуда-жуда ёқади. Бу борада анча-мунча ижод қилганман. Биласизми, боғчамизда ташкил этилган "Маънавият ва маърифат" хонасига қўйилган миллий бурчакдаги кўргазмаларнинг барчасини онам иккаламиз яратганмиз...

Наташахоннинг ишларига тасаннолар айтамиз. Табиат музейидан жой олган турфа хил жониворлару дов-дарахтлар, паррандаю даррандалар, сўлим боғ-роғлару саҳро сўқмоқлар — ҳамма-ҳаммаси ана шу камтарин қизнинг ижодий ишлари маҳсулидир.

НЕФТЧИЛАРНИНГ ПУЛЛАРИ КЎПАЯВЕРСИН

"Ғунча" болалар боғчасига Сурхон пармалаш ва нефть ишлаб чиқариш бошқармаси ҳомийлик қилади. Эшитганингиз борми, доно халқимиз орасида "Қўли очиқнинг йўли очиқ" деган ибратли ибораси бор. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сурхонлик нефтчилар "Ғунча"га ростакамига елкадошдирлар. Авваламбор, нефтчиларнинг топиш-тутишлари яхши. Буларнинг барчаси уларнинг фидокорона меҳнатлари самарасидир. Бироқ ҳомийлик қилишга ҳамма ҳам "журъат" қила олмаяпти-ку! Гап шу ердаки, топиш-тутиш бошқа-ю, хайр-саховат бошқа. Хотамтойларни, ҳатто Аллоҳ ҳам севармиш!

— Ҳомийларимиздан беҳад хурсандмиз, — дейди. Қ.Сатторова, — ҳар бир ишда уларнинг кўмагига таянамиз. Сурхон пармалаш ва нефть ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Турсун Рўзиевнинг ўзлари ҳам хол-аҳвол сўраб боғчамизга тез-тез ташриф буюриб турадилар. Лўнда қилиб айтганда, сурхонлик нефтчилар ҳар йили кичкинтойларимиз учун 3 миллион сўм атрофида ёрдам кўрсатади. Илоё, сурхонлик нефтчиларнинг пуллари янаям кўпаяверсин, деб дуо қилаяпмиз.

Биз болалар боғчасидан хурсанд кайфиятда қайтарканмиз, йўл-йўлакай ён дафтарчамиздаги "яхши боғчалар рўйхати"га яна бир сатр — "Қумқўрғонда "Ғунча" бор", деб қўшиб қўйдик.

Абдували ОБИДДИН,
"Маърифат"нинг
махсус мухбири

Ёзнинг жазирамаси барчага маълум. Айниқса, бу фаслни болажонлар интиқлик билан кутадилар. Улар турли учрашув, бадиий кеча, ўйин-кулги, кўпдан-кўп дўстлар орттиришни шу кунлар ҳосиласи деб билади.

Термиз туманининг "Салавот" қишлоғидаги "Пахтаой" болалар оромгоҳи биринчи гуруҳда 204 нафар болаларни ўз бағрига олди. Сурхондарё бўйида жойлашган оромгоҳ ўзининг сўлим табиати, барча қулайликларга эгалиги билан болажонларга манзур бўлмоқда.

Суратда: Термиз туманининг «Салавот» қишлоғидаги «Пахтаой» болалар оромгоҳидан лавҳа.

И.ХЎЖАЕВ суратлари. (ЎзА).

Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ўтказилган кенгашда янги ўқув йилига тайёргарлик ва "Олий ўқув юртларида тўлов контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида"ги қарорнинг бажарилиши ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди.

—Ушбу қарорнинг эълон қилиниши Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, ёшларнинг таълим олиши учун янада кенгроқ шароитлар яратиш, олий маълумот олаётган фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган долзарб иқтисодий-ижтимоий воқеа ҳисобланади,-деди вазирнинг биринчи ўринбосари Рустам Қосимов "Туркистон-пресс" мухбирига. — Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги 61 та олий таълим муассасасининг кундузги бўлимларида жами 141 минг 841 нафар талаба таҳсил олмоқда. Улардан 87 минг 622 нафари ўқишнинг тўлов-контракт шаклида таълим олади.

Р.Қосимовнинг таъкидлашича, бу йилги қабул режасига кўра 49 минг 500 талабадан 29 минг 700 нафари тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиниши режалаштирилган. Ҳозирги кунда олий таълим муассасаларида 336 нафар етимлар ва

ТАЛАБА ВА ИСЛОҲОТЛАР

«Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланганлар, 107 нафар болалигидан ногиронлар, 1 минг 725 нафар кам таъминланган оилалардан бўлган талабалар таълим олмоқда. Тўлов-контракт шаклида таҳсил олаётган ногирон, кам таъминланган оилалардан бўлган талабаларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш, уларни олий маълумот олишга бўлган эҳтиёжларини рўёбга чиқариш борасида маълум ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2000 йилнинг октябр ойида таълим муассасаларининг раҳбарларига ногирон талабаларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида махсус кўрсатма берилди. Олий таълим муассасларида Васийлик кенгашлари ташкил этилиб, улар муҳтож талабаларга моддий ёрдам кўрсатиш масалалари билан шуғулланмоқда. Ўтган йили бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига етимлар, болаликдан ногиронлар ва кам таъминланган оилалардан бўлган талабаларга 1 миллион 483 минг 146 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Р.Қосимовнинг таъкидлашича, вазирлик доимий равишда тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган талабалар бўйича мониторинг олиб бормоқда. Вазирлик тасарруфидаги 20 та санаторий-профилакторийда ўтган йили 9 минг 228 талаба ва ўқувчи ўз соғлиғини тиклаган бўлса, бу йил уларнинг сони 10 мингдан ошиши кутилмоқда.

Шунингдек, йиғилишда ўрта махсус, касб-ҳунар таълимидаги муаммолар ечими қатори академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини таъмирлаш ҳамда қуриш бўйича Республикада 2001 йилдан олиб борилаётган ишларнинг ярим йиллик якунлари кўриб чиқилди.

"Туркистон-пресс"

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА СОВҒА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Энг муҳими, дарсликда инсон организмининг тузилиши, ҳар бир аъзонинг вазифаси, уларнинг гигиеник қоидалари, инсонни турли касалликларга чалиниши ва унинг олдини олишда нималар қилиниши лозимлиги хусусида илмий тушунчалар берилган.

Ўзбекистоннинг иқлими кескин континентал эканлиги ва айниқса, ёзнинг иссиқ бўлиши натижасида кийиниш, овқатланиш гигиенасига тўла риоя қилиш хусусида тушунчалар берилган. Масалан, ёзда кўпроқ оқ ва енгил кийиниш, тез-тез ювиниб туриш, ҳўл меваларни истеъмол қилиб кетидан сув ичмаслик, оқар сувлардан, кран сувларидан иложи борича кўчакўйда ичмаслик турли касалликлар олдини олишга ёрдам бериши ҳақида, қисқаси, ҳар бир инсон соғлом ўсиши тўғрисида талай маълумотлар берилган.

Дарсликни ўқиган болалар ва ўсмирлар бир кеча-кундузги овқати таркибида бўладиган оқсил, йод ва углеводлар меъёрини билиб оладилар.

Дарсликнинг 14-бобида кўпайиш ва ривожланиш ҳақида маълумотлар берилган бўлиб, кишилик жамиятида авлодларни узлуксиз алмашиниб бориши, бу кўпайиш билан боғлиқ эканлиги ҳақида маълумот берилади. Бу бобда кўпайишнинг аҳамияти, кўпайиш аъзоларининг тузилиши, уруғланиш ва ҳомиланинг ривожланиши, боланинг ўсиши ва ривожланиши ҳақида тушунчалар берилади.

Дарсликка янги дастур асосида «Одамнинг пайдо бўлиши» мавзуси киритилди. Илгари 11-синфда бу мавзу ўрганилар эди. Бу мавзу орқали ўқувчилар «Одамнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши», «Одам ва ҳайвон эмбриони ривожланишидаги ўхшашликлар», «Одам эволюциясининг асосий йўналишлари», «Одам ирқлари» ҳақида кўпгина маълумотлар берилади. Дарслик охирида «Одам ва унинг саломатлиги» фани бўйича 83 та синов тестлари берилган. Хуллас, дарсликни яхши ўрганган ўқувчи ўз соғлигини эҳтиёт қилиш, тўғри йўналишда боришни, соғлом ўсиш йўлларини билиб олади.

Саидолим ОРИФХЎЖАЕВ,
РТМ табиий билимлар бўлимининг бош методисти

Жиззах вилояти Ғаллаорол туманида яшовчи С.Нурматов ва 36 кишилик 26-мактаб жамоаси аъзоларидан

САВОЛ: — Ўқитувчиларнинг газ ҳақини тўлашлари ҳақида бирор янги ҳуқуқий меъёр чиққанми?

ЖАВОБ: *— Биз ўқитувчиларга бериладиган имтиёзлар бўйича қуйидагиларни маълум қиламиз. Газ, сув, кўмир, суюлтирилган газ ҳамда электр энергиядан фойдаланишдаги имтиёзлар Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 декабрдаги "Электр энергиясидан имтиёзли тарзда фойдаланувчи аҳоли учун электрдан фойдаланиш ҳажмини белгилаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ электр энергиясидан фойдаланиш меъёри ойига 110 квт соат миқдорида белгиланган. Ушбу меъёрдан ортиқ фойдаланилган электр энергияси учун умумий тартибда ҳақ тўланади. Шаҳарда турувчилар бу меъёрдан 50 фоиз миқдорида фойдаланадилар.Газ, сув, кўмир ва суюлтирилган газ бўйича 2001 йил 1 июлдан фойдаланишда янги меъёрлар қабул қилинган.*

Имтиёздан фойдаланадиган фуқаролар учун имтиёзли тарифлар бўйича табиий ҳамда суюлтирилган газ ва кўмирдан фойдаланиш МЕЪЁРЛАРИ

1. Табиий газ учун ҳақ тўлаш бўйича имтиёзлардан фойдаланувчи шахсларга имтиёзли тарифлар бўйича табиий газдан фойдаланиш меъёрлари 1 киши учун куб метр ҳисобида белгиланган:

овқат пиширишга	бир ой учун	бир йил учун
— марказий иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган квартираларда	9,0	108,0
марказий иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлмаган уйларда	10,5	126,0
-марказий иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлмаган ёки иссиқ сув билан вақти-вақти билан таъминланадиган уйларга газ воситасидаги сув иситгичлар ёрдамида иссиқ сув билан таъминлашга		
2. Уй-жойларга иситиш учун имтиёзли тарифлар бўйича табиий газдан фойдаланиш меъёрлари, оиланинг имтиёзга эга бўлган аъзолари сонидан		

Ma'rifat маслаҳатхонаси

қатъи назар, ҳар бир оила учун куб метр ҳисобида, иситиладиган хонанинг 108 куб метри ҳисобига белгиланган:		
-Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти бўйича (иситиладиган хонанинг 1 куб метри ҳисобига газ сарфи меъёри 2,5 куб метр)	270,0	3240,0
-қолган вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича (иситиладиган хонанинг 1 куб метри ҳисобига газ сарфи - 2,4 куб метр	259,2	3110,4

Иситиладиган хонанинг меъёридан ортиқча ҳажми учун ҳақ амалдаги тариф бўйича тўланади.

Табиий газ сарфини ҳисоблаш приборлари билан жиҳозланган уйларда, квартираларда имтиёзли тариф бўйича табиий газ бериш қуйидаги тартибда меъёрланади:

Иситишга - иситиш мавсумининг ноябрдан мартгача (беш ой) давом этадиган белгиланган узунлигини ҳисобга олган ҳолда, имтиёзли тариф бўйича ҳақ тўланадиган иситишга газ беришнинг ушбу давр учун ойлик меъёри: Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти учун 648 куб метр (3240:5=648), қолган вилоятлар ва Тошкент шаҳри учун 622,1 куб метр (3110,4:5=622,1) ҳажмида белгиланган.

Овқат пиширишга ва газ воситасидаги сув иситгичлар ёрдамида иссиқ сув билан таъминлашга — "Уй-жой коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш бўйича ҳаволига имтиёзлар бериш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 6-бандида кўрсатилган шахсларга имтиёзли тарифлар бўйича табиий газ беришнинг юқорида кўрсатилган меъёрларидан келиб чиққан ҳолда белгиланган.

Имтиёзли тарифлар бўйича ҳақ тўланадиган, иситишга, овқат пиширишга ва иссиқ сув билан таъминлашга табиий газ беришнинг ушбу меъёрлар бўйича белгиланган ҳажми (куб метр) газ сарфини ҳисоблагичнинг амалдаги кўрсаткичлари бўйича аниқланган ҳажмда чегирилади ва қолган тафовут (имтиёзли тарифлар бўйича ҳақ тўланадиган ҳажмдан ортиқчаси) учун ҳақ, газ сарфини ҳисоблагичлар мавжуд бўлганда, коммунал-маиший эҳтиёжларга табиий газдан фойдаланганлик учун белгиланган амалдаги тариф бўйича тўланади.

3. Имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга имтиёзли тарифлар бўйича суюлтирилган газ бериш йилига битта оила ҳисобига 283,8 миқдорида белгиланган.

4. Имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган ва марказий иситиш тармоғига эга бўлмаган уйларда яшайдиган фуқароларга ёқилғи бериш оила ҳисобига 1 тонна кўмир миқдорида белгиланган.

Й.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бош мутахассиси

МУҲИМ ВАЗИФА

ёхуд халқ таълими ходимларининг анъанавий август кенгашлари ва таълим ислоҳотларининг II босқичида амалга ошириладиган ишлар

ЎЗБЕК ТИЛИ

1. Ўзбек тилидан чораклик тест топшириқлари (9-синфлар учун) Т. 2001.

2. Таълим жараёнида ижодий тафаккурни ривожлантириш масалалари. (тезислар тўплами) Т. 2001.

3. Ўзбек тили (5-6-синфлар учун йўриқнома ва режалаштириш) Т. 2001й.

4. Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг 2-4-синфлари учун "Ўзбек тили" дарсликларига методик қўлланма. Т.2001 й.

5. "Тил ва адабиёт таълими" журнали, "Маърифат" газетаси.

Ўзбек тили таълими бўйича шўъба йиғилишларида муҳокама учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Ўзбек тили таълимида миллий истиқлол ғояси.

2. Матн яратиш ижодий тафаккурни ривожлантириш омили.

3. Тест ижодий тафаккур омили.

4. Ўзбек тили таълимида янги педагогик технология.

5. Миллий маънавиятнинг шаклланишида ўзбек тилининг ўрни.

6. Ўзбек тили таълимида рейтинг тизими.

7. Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқ маданиятини ўстириш.

8. Дарсдан ташқари тадбирларда маънавий тарбия масаласи.

9. Ўзбек тили таълимида ҳуқуқий тарбия.

10. Ўйин-топшириқлар орқали ўқувчилар тафаккурини ўстириш.

ШАРҚ ТИЛЛАРИ

Ҳозирда Республикамиз Европа мамлакатлари қаторида Шарқ давлатлари билан ҳам барча соҳаларда тенг ҳуқуқли муносабатлар ўрнатиш имкониятига эга. Демак, ўз навбатида мамлакатимиз халқаро муносабатларнинг турли илм-фан, сиёсий-ижтимоий соҳаларда алоқа олиб борар экан, шарқ тиллари (араб, форс, ҳиндий, урду, хитой)ни мукаммал биладиган мутахассислар сув ва ҳаводек зарур. Бунинг учун замин албатта, мактабда тайёрланади. Бу эса ўз навбатида ўқувчиларга шарқ тилларини шу даражада ўргатишни тақозо этадики, токи мактабни битириб чиққач, у тил эгаси билан маиший, ижтимоий, адабий мавзуларда суҳбатлаша олсин.

Шарқ тилларини чуқурлаштириб ўқитишда асосан оғзаки нутққа, талаффузга, ўқувчида ўз фикрини ўрганаётган тилда эркин фикрлай олиш даражасида луғат бойлигига эга бўлишга катта аҳамият бериш зарур.

2001-2002 ўқув йилида хитой тилидан Ф.Шамсиев, урду тилидан У.Алихўжаев, араб тилидан Т. Нуриддинов, форс тилидан А.Қуранбеков ва бошқалар томонидан I-IX синфлар учун тузилган ўқув дастурларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Шарқ тиллари чуқурлаштириб ўқитиладиган мактабларда тили ўрганилаётган мамлакат ҳар томонлама (харитада жойлашиш ўрни, давлат тузими ва ҳ.к.) тўлиқ ўргатилиши, ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларини ошириб бориш билан бирга Ватан, миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойилларини ўқувчилар онгига сингдириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Янги ўқув йилида юқорида тавсия этилган дастурларга қўшимча А.Қуранбековнинг "Шарқ тиллари бўйича ўқувчиларнинг оғзаки нутқ малакасини ошириш усуллари" методик қўлланма ҳамда К.Носировнинг "Араб ёзуви" қўлланмасидан фойдаланиш мумкин.

Айниқса, барча ўрта умумтаълим мактабларида ўтказиладиган илк сабоқ — "Мустақиллик дарси"ни ташкил этишда қуйидаги асосий масалаларни ёритиб бериш тавсия қилинади.

1. Ўзбекистон давлатининг ташкил топиши.

2. Ислом Каримов — Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти.

3. Ўзбекистон Конституцияси ҳақида.

4. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.

5. Мустақиллик шарофати билан миллий анъана ва урф-одатларнинг тикланиши.

Мустақиллигимизнинг 10 йиллик тантаналари кунлари халқ таълими тизимида анъанавий Август кенгашларини мазмунли, жонли ташкил этиш, унда ўтган йиллар давомида эришилган ютуқ ва камчиликларни ўқитувчиларга етказиш ҳамда ҳукуматимиз томонидан таълим тизимига берилаётган алоҳида эътиборни таъкидлаш лозим бўлади.

Давра суҳбатлари учун тахминий мавзулар:

1. Шарқ тилларини ўрганишнинг бошланғич босқичида визуал воситалардан фойдаланиш.

2. Шарқ тилларини ўқитишда ўқувчилар қалбида она-Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва ўзаро ҳурмат туйғусини қарор топтириш.

3. Бошланғич синфларда ўқувчиларга ёзув техникасини эгаллашда ёрдам бериш ва хуснихатга ўргатиш.

4. Шарқ тилларини ўқитишда ўқувчилар ҳуқуқий онгини ўстириш.

5.Ўқувчилар оғзаки нутқини ривожлантиришда адабий асарлардан фойдаланиш.

6. Шарқ тилларини ўқитишда янги педагогик технологияларни қўллаш.

7. Баркамол авлод — келажагимиз пойдевори.

8. Конституция — адолат мезони.

9. Шарқ тилларига ўқитишда рейтинг тизими.

ИНГЛИЗ ТИЛИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг янги ижтимоий-сиёсий воқелик вужудга келди. Республикамиз дунёнинг кўпгина давлатлари, айниқса, Европа давлатлари билан барча соҳаларда тенг ҳуқуқли муносабатлар ўрнатиш имкониятига эга бўлди.

Бу шароит ўз навбатида мамлакатимиз халқаро муносабатларининг турли хил соҳаларида, илм-фан, сиёсий-ижтимоий алоқалар, тижорат ва шу каби бошқа барча тармоқларда инглиз тилини мукаммал биладиган мутахассислар тайёрлашни тақозо қилади.

2001-2002 ўқув йилида 5-синфдаги "Инглиз тили" (Fiy High 5), 6-синф учун (Fiy High 6) дарсликлари нашр этилади. 7 ва 8-синфларда амалдаги дарсликлардан, 9—11-синфларда (Ж.Жалолов) "Инглиз тили" қўлланмаларидан фойдаланилади.

Шунингдек, инглиз тили ўқитилаётган мактабларда тили ўрганилаётган мамлакат ўқувчиларга ҳар томонлама тўлиқ ўргатилиши билан бирга Ватан, миллий ғоя, миллий ифтихор каби тушунчаларни ҳам тушунтириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Шўъба йиғилишларида давра суҳбати учун мавзу:

1. Оғзаки нутқ малакасини оширишда тестларнинг аҳамияти хусусида.

2. Инглиз тилини ўргатишнинг бошланғич босқичида кўргазмали воситалардан фойдаланиш.

3. Бошланғич синфларда ўқувчиларни ёзув техникаси ва талаффузига эътибор бериш.

4. Инглиз тилини ўқитишда ўқувчилар қалбида ватанпарварлик, миллий ғурур туйғуларни қарор топтириш.

5. Инглиз тилини ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш.

6. Ўқувчилар билимини рейтинг асосида баҳолаш.

7. Соғлом ва баркамол авлод — бизнинг келажагимиз.

ФРАНЦУЗ ТИЛИ

Мазкур тилни ўрганишда 5—7-синф дарсликлари янги ўзбек алифбосига ўгирилиб, қайта нашр этилиши режалаштирилган. Жорий йилда 1999-2000 йилларда тайёрланган қўшимча (3 та) "Le Francais" қўлланмаларидан фойдаланиш тавсия этилади.

8-синфда амалдаги дарсликлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. 9, 10, 11-синф мавжуд дарсликлардаги республика миллий мафкурасига мос келадиган материаллардан 1998-1999 ўқув йилларида тайёрланган (5-6, 9-10-11-синф) қўлланмаларидан фойдаланади.

Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишда ўқувчи фаол шахс сифатида ўзи изланиши, воқеа-ҳодисаларни кузатиб, мустақил фикрлаши ҳамда ўз фикрини умумлаштириб, хорижий тилда равон ифодалай олиши лозим.

Шўъба йиғилишларида қуйидаги мавзуларда маъруза, баҳс-мунозара ўтказилиши мумкин:

1. 5—8-синфларда янги ўқув дастурларидан фойдаланиш.

2. Яратилган янги ва мавжуд дарслик ҳамда қўлланмалар, улардан дарс жараёнида фойдаланиш ("Маърифат", 14 октябрь 2000).

3. 9—11-синфларда амалдаги ўқув дастурларидан фойдаланиш.

4. Ўқувчилар билимини рейтинг асосида баҳолаш.

5. 5—8-синф учун тахминий режалаштириш.

ОЛМОН ТИЛИ

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб давлатимиз таълим-тарбия соҳасида бош ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқди. Ислоҳотни амалга ошириш йўлида вақт ҳам, маблағ ҳам етарли миқдорда ажратилмоқда. Ўтган давр мобайнида кўпгина фармон ва қарорлар дунёга келди. "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" бунга яққол мисолдир.

Юқорида қайд этилган расмий ҳужжатларга асосан олмон тилида янги дастур хорижий мамлакатлар таълим тизимидаги тажрибалардан фойдаланилган ҳолда яратилди. Дастур талабларига кўра 5-синф учун З.Шайхутдинова ва Н.Суханов томонидан ёзилган "Assalom, Deutsch" дарслиги, 6-синф учун Т.Очилов муаллифлигида ёзилган "Deutsch" матнлар тўплами нашр этилди. Ҳозирги кунда 7—9-синфлар учун дарсликлар ёзилмоқда.

Бой маънавий меросимиз ана шу дарсликларда ўз ифодасини топаётир. Ўқувчилар энди ўзларининг қалбидаги ўз тарихи, маданий мероси билан фахрланиш туйғуларини йил сайин нафақат тарих ёки адабиёт дарсларида, балки олмон тили дарсларида ҳам тўлдириш имкониятига эга бўладилар. Улар эндиликда мустақил Ўзбекистондек давлатнинг қандай пайдо бўлганлиги, унинг бугунги аҳволи ва эртанги ёрқин истиқболи тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиб бошладилар. Бундай тасаввурга эга бўла бошлаш миллий маънавият, миллий мафкурани ўрганиш нуқтаи назаридан ғоят қимматлидир.

Август ойи барча халқ таълими ходимлари учун ўзгача хусусиятга эга бўлади. Негаки, бу ойда олмон тилидан ўтказиладиган август кенгаши йил давомида қилинган ишларга якун ясайди ва янги ўқув йилида бажариладиган ишларнинг режасини тузишга ёрдам беради. Таҳлилни талаб этадиган муаммолар ўртага ташланиб, уларни ҳал этиш йўллари аниқланиб олинади.

Август кенгашида маслаҳатлашишга қуйидаги фикрлар ёрдам беради, деган умиддамиз. Сирасини айтганда, давлат таълим стандарти асосида 1999 йил яратилган янги "Олмон тили" дастури жорий йилда 8-синфларда қўлланилади. Дастур таълим ўзбек, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман ва қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган мактабларнинг 5-9-синфлари учун ягонадир. Шу билан бирга амалдаги ҳамда 1999 йилгача нашр этилган дастур 9—11-синфларда қўлланилади.

Янги дастурга асосан 8—9-синфларда ўтиладиган "Ўзбекистон Республикасининг давлат тизими, Конституцияси, партиялари, сайловлари, таълим тизими, иқтисодиёти (савдо, қишлоқ хўжалиги, маиший хизмат), алоқа хизмати, халқимизнинг урф-одатлари, байрамлари, машҳур кишилари ва спортчилари" каби мавзуларга доир миллий ғоя ва мафкура 10—11-синфларда ҳам ўзининг ифодасини топиши ҳозирги куннинг долзарб талабидир.

5-синфларда "Assalom, Deutsch" дарслигидан фойдаланилади. Дарсликдаги "Ostern" мавзуси 5-синфда эмас, балки ўқув дастури талабига кўра 8-синфдаги "Байрам ва урф-одатлар" мавзуси доирасида ўтилади.

6-синф учун "Deutsch" қўлланмаси нашрга тайёрланмоқда.

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг 7, 9—11-синфларида эса мавжуд дарслик ва адабиётлардан фойдаланилади.

Айни кунда 8-синф учун синов дарслиги тайёрланмоқда. Ушбу синов дарслигидаги "Республикамизнинг оммавий-ахборот воситалари, табиати, уни асраш, машҳур кишилари, санъати, байрам ва урф-одатлари" каби мавзулар Олмониядаги шу мавзуларга доир воқеа-ҳодисалар билан таққослаб берилган.

5—7-синфлар 2000 йил нашр этилган "Инглиз, олмон ва француз тилларини ўқитиш" ҳақидаги тавсиялар ва режалаштиришлар, 8-синф 2001 йилда нашр этиладиган тавсия ва режалаштиришдан, 9—11-синфлар эса 1999 йил нашр этилган "Немис тилидан режалаштириш"дан фойдаланадилар.

Юқори синфларда дарсликларнинг йўқлиги ҳозирги кун муаммоларидан биридир. Бу муаммони ўқитувчиларнинг ўзлари "...режалаштириш"дан фойдаланган ҳолда машқлар тузиш йўли билан бу йил ҳам ечадилар.

Грамматик мавзулар лексик мавзулар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда турли машқлар кўринишида ўз ифодасини топади.

Олмон тили шўъба йиғилишида қуйидаги мавзуларда маъруза, баҳс-мунозара ўтказилиши мумкин.

1. Олмон тилини ўрганишдан мақсад нима?

2. "Мустақиллик" мавзуси олмон тили дарсида.

3. "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" — амалиётда.

4. Педтехнология нима?

5. 5—9-синф учун нашр этилган олмон тили ўқув дастуридан амалиётда фойдаланиш.

6. "Маърифат" газетасининг 2000 йил 14 октябрь сонида қайд этилган "Assalom, Deutsch" дарслиги ва "Deutsch" матнлар тўпламининг ўқувчилар қўлига етиб бориши.

7. 9—11-синфларда амалдаги ўқув дастуридан фойдаланиш.

8. Ўқувчилар билимини ҳаққоний баҳолашнинг йўллари.

9. 2001-2002 ўқув йили ўқув режасининг "Тушунтириш хати"га асосан дарсга ажратилган ҳафталик соатларнинг тўғри фойдаланиш ва синфдаги ўқувчиларнинг сонидан келиб чиққан ҳолда машғулотларни икки гуруҳга бўлиб ўтказиш ҳақида.

10. Немис тилидан режалаштириш (1999 йил), олмон тилини ўқитиш (2000 йил тавсия ва режалаштириш) ҳамда олмон тилидан 8-синф учун тавсия ва режалаштиришдан фойдаланиш ҳақида.

11. Ўқувчиларнинг олмон тилидан ўтказиладиган олимпиадаси.

12. Синфдан ташқари ўқув ишлари.

Ўқувчиларнинг қандай малака ва кўникмаларга эга бўлиши 1999 йил нашр этилган "Олмон тилидан ўқув дастури"да батафсил ёритилган.

(Давоми бор)

O'qituvchilarning Avgust kengashlarida

(Давоми ўтган сонда)

YANGI ALIFBONI O'RGANAMIZ

12-дарс
Х ВА Н ҲАРФЛАРИ

Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ўрганиш жараёнида талаффуз ва имло масаласига алоҳида эътибор бериш лозим. Чунки товуш талаффузига бефарқ бўлиб, нотўғри талаффуз қилинса, имлода хатога йўл қўйилиши, сўз нотўғри ёзилиши табиий. Буни **х** ва **h** ундошлари талаффузи мисолида янада яққолроқ кўриш мумкин. Кирилл ёзувидаги алифбомизда ёзма матнлардаги энг кўп хато шаклан бир-бирига жуда ўхшаш бўлган **х** ва **ҳ** ҳарфларининг зиммасига тушар эди. Кўпчилик бу ундошларни нотўғри талаффуз қилишгани учун ҳам хато ёзишга одатланиб қолишган. Тўғри, **ҳ** билан ёзиладиган сўзлар салмоғи нисбатан озроқ. Устоз тилшунос олим Ҳ.Жамолхоновнинг таъкидлашларича, **ҳ** ундоши билан ёзиладиган сўзлар тилимизда 1500 дан кўпроқ холос. Гап сўзнинг оз ёки кўплигида эмас, албатта. Муҳими, алифбодаги ҳар бир ҳарфнинг айтилишини тўғри ўзлаштиришдадир. Гарчи янги алифбомизда бу икки ҳарф шаклан илгаридагидек яқин бўлмаса ҳам, талаффуз меъёрига тўғри амал қилинмаса, бу ҳарфларнинг айтилиши фарқланмаса, одатланиб қолинган хатоларнинг такрорланиши табиий. Шунинг учун ушбу ҳарфлар муносабатида, яъни **х** ва **h** ҳарфларини тўғри ёзишни, ўқишни ўрганишда биринчи навбатда ҳар бирининг товуш сифатидаги тавсифи ва янги ўзбек алифбосида ифодаланишини қиёслаб ўзлаштиришга ҳаракат қилиш керак. Масалан, **х** ҳарфи рус ёки инглиз алифболарида тамоман бошқа товушни ифодалайдики, алифбомиздаги айни ҳарфнинг ўшандай ўқилиши қўпол хатоларга олиб келади.

Х(х) ҳарфи ўзбек тилида тилнинг нисбатан орқароқ қисмида ҳосил бўладиган сирғалувчи, жарангсиз товушни ифодалашга хизмат қилади. Чуқур тил орқа ундоши бўлгани учун ҳам сезиларли даражада қаттиқ талаффуз қилинади. Бу ҳарфнинг ёзилиши ҳар жиҳатдан кирилл алифбосидаги шаклига монанддир. Шунга кўра, ёзилиши масаласига тўхталишни лозим кўрмадик.

Ўзбек тилида **х** ундоши е дан бошқа барча унлилар билан ёнма-ён келиб, доимо қаттиқ талаффуз қилинади ва шунга кўра ҳеч қачон ёзувда тушиб қолдирилмайди. Қаранг: **хато — хato, хон — хon, пахта — рахта, ухла — uхla, сих — six, тарих — tarix** каби.

Сўзлашув нутқда х ҳарфи кўпинча сўз ўртаси ёки охирида келганда баъзан ўзи каби чуқур тил орқа товуши q(қ)га мойилроқ айтилиши мумкин, лекин ҳамиша х ёзилади. Масалан, **ахлоқ> аqлоқ — axloq, бахт > баqт — baxt, махлуқ > маqлуқ — maxluq, мих > миq — mix** каби.

Х ундошининг қўлланиши қуйидаги ҳолатларга хос ва нисбатан қатъий бўлади: — сўз бошида і ундошидан сўнг: ixlos, ixtiyor, ixtiro, ixtisos каби;

— сўз охирида (одатда ёпиқ бўғинда) жарангсиз t дан олдин: **baxt, daraxt, taxt, soxta, puxta** каби;

— рус тили орқали ўзлашган сўзларда: **arxiv, xarakter**, mexanik, psixolog каби.

Х ҳарфини тўғри қўллашда юқоридаги ҳолатларни ёдда тутиш мақсадга мувофиқдир.

Н(h) ҳарфи бўғизда ҳосил бўладиган, сирғалувчи, жарангсиз товушни ифодалайди. Бу ундош х дан янада қуйирокда, яъни бўғизда талаффуз қилингани учун ҳам бўғиз ундоши дейилади.

Катта **Н** ҳарфининг босма ва ёзма шакллари кирилл алифбосидаги **Н** ҳарфининг ёзилиши билан айни бир хилдир. Аммо кичик **h** ҳарфи амалдаги ёзувимизда йўқ. Бу ҳарфни ёзиш унча қийин эмас, кириллчадаги в нинг остки қисмини туташтирмай ўнгга томон чўзсангиз **h** ҳарфини ёзишни осонликча ўрганиб оласиз. Ёзиб кўринг: **h, h, ha, havas, ehson, bahor, siyoh**. **Н** ундоши асосан араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзларда учрайди. Бу ундош **х** ҳарфи ифодалаган товушга нисбатан сезиларли даражада юмшоқроқ талаффуз қилинади. Қиёсланг: **xato - hayo, xol - hol, xit - xit - hil - hil, oxir - ohak.**

Жонли нутқда **h** товуши баъзан ўзидан кейин келган ундош каби айтилиши ёки талаффузда бутунлай тушиб қолиши мумкин, аммо ёзма нутқда бу ҳолат акс этмайди. Масалан, **маҳкам > маккам - mahkam, маҳси > масси — mahsi, даҳлиз > дализ — dahliz, таҳсил > тасил — tahsil** каби.

Айрим шеваларда, сўзлашув, шунингдек, ёзма нутқда ҳам юмшоқ, бўғиз товушини ифодаловчи **h** ундошини қаттиқ, чуқур тил орқа х товуши билан алмаштириб, адабий меъёрга хос бўлмаган тарзда қўллаш ҳоллари учрайди. Шунга кўра, **h** ҳарфини тўғри ёзишда қуйидаги ҳолатларни эсда сақлаш фойдали бўлади:

— **е** ҳарфидан сўнг ёпиқ бўғинда доимо х эмас, балки h ёзилади: **ehtiyot, ehson, ehtirom, ehtiros** каби;

— **h** юмшоқ айтилгани учун сўзларда сезилар-сезилмас айтилиб тушиб қолиши ёки у каби талаффуз қилиниши мумкин. Аммо бу ҳолатлар ёзувда акс этмайди ва ҳамиша h ёзилади: **муҳаббат > муаббат — muhabbat, фаҳм > фам — fahm, саҳифа > сайифа — sahifa, илоҳим > илойим — ilohim** каби;

— жарангли ундошлар билан тугаган ёпиқ бир бўғинли сўзларда **h** ёзилади: **ahd, bahs, vahm, dahr, mehr, zehn, fahm** каби.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, **х** ва **h** ҳарфларининг алмашиб қўлланиши сўз маъносини бутунлай ўзгартириши мумкин. Шунинг учун бу икки товушнинг талаффузини ҳамиша фарқлаган ҳолда тўғри ёзишга одатланинг. Қуйидаги сўзларнинг маъно жиҳатдан фарқларини унутманг: **xol — hol, rux — ruh, ham — xam.**

1-топшириқ. х ва h ҳарфлари билан бошланадиган бир ва икки бўғинли сўзларни топинг ва янги алифбомизда икки устунга ажратиб ёзинг.

Намуна: **xom — ham, xayol — hayot**

2-топшириқ: h ҳарфи сўз ўртасида келадиган сўзларни лотин ёзувидаги алифбода ёзинг ва юмшоқ талаффузига эътибор бериб ўқинг.

Абдурозиқ РАФИЕВ,
филология фанлари номзоди

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Халқаро дастурларни мувофиқлаштириш, хорижий ўқув юртлари ва илмий марказлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда ТошДИУ олим ва мутахассисларининг илмий анжуманлардаги иштирокини фаоллаштириш мақсадида Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида 1991 йил Халқаро Алоқалар бўлими ташкил этилган эди.

Айни пайтда, университет жаҳоннинг етакчи олий ўқув юртлари ва илмий марказлари билан халқаро алоқалар ўрнатиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича маълум бир муваффақиятларга эришди. Унда жаҳоннинг етакчи тажрибасига асосланган кенг қамровли дастур ишлаб чиқилганки, бу дастурнинг мақсади мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдан иборатдир. Университет ҳозирда АҚШ, Буюк Британия, Олмония, Франгистон, Япония каби кўплаб хорижий мамлакатлар университетлари ва ташкилотлари билан ўзаро алоқалар ўрнатган. Улар билан фаолликда ҳамкорлик қилиб келинмоқда. Шунингдек, тажриба алмашиш мақсадида марказлар ташкил этилган: Joint Banking Finance (JBF-Банк ва молиявий фаолият бўйича ташкил этилган қўшма дастур) бунга мисолдир.

Университетнинг мамлакатимиздаги халқаро ташкилотлар билан алоқалари йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. АҚШнинг АКСЕЛС халқаро ташкилоти ва Олмониянинг DAAD халқаро ташкилотининг бир қатор дастурлари орқали университетнинг бир қанча талабалари ушбу мамлакатларнинг нуфузли университетларида таълим олишди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Умид" иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига талабалар томонидан қизиқиш топди. Бу ҳолни жамғарма синовларида қатнашишга истак билдираётган талабалар сонининг йилдан-йилга кўпайиб бораётгани билан изоҳлаш мумкин.

Бундан ташқари талабаларнинг ўз маблағлари ёки ҳомийлар орқали ҳам хорижда ўқишга фаоллик билан интилмоқдалар. Хусусан, шу йўл билан 1996 йилда 35 нафар, 1997 йил 25 нафар, 1998 йил 20 нафар, 1999 йил 10 нафар талаба жаҳоннинг турли мамлакатларида таълим олиб қайтишди. Талабалардан ташқари профессор-ўқитувчиларнинг малакасини оширишга университет томонидан катта эътибор берилмоқда.

Кўриниб турибдики, Тошкент Давлат иқтисод университетида халқаро ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Бу эса келажакда, албатта, ўз меваларини беражак.

Фарҳод ЭРДОШЕВ,
"Маърифат" мухбири

«Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув қўлланмаси муаллифи» Республика танловига топширилган адабиётлар
РЎЙХАТИ

№	Муаллиф(лар)	Адабиёт номи	Дарслик ёки ўқув қўлланма	Шаҳар, нашриёт, нашр йили ва ҳажми (б.т.)	Тавсия қилган ташкилот
1	2	3	4	5	6
		I. Ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича:			
1.	Зуннунов А., Хайруллаев М., Тўхлиев Б., Хотамов Н.	«Педагогика тарихи»	Дарслик	Тошкент, «Шарқ»-2000 й. 13,6 б.т.	ТДПУ
2.	Ботирбекова Б.Б.	«Иқтисодчи мухандислар учун олмон тилидан ўқув қўлланма»	Ўқув қўлланма	Тошкент ТДТУ типографияси 1998й., 15 б.т.	ТДТУ
3.	Отажонов А., Мусаев Н., Абдуназаров Х.	«Ўзбекистон тарихи атласи»	Ўқув қўлланма	Тошкент-1999,28 бет	ТошДАУ
4.	Жабборов А.	«Товуш ва талаффуз қоидалари»	Ўқув қўлланма	Наманган	Наманган.Поп тумани 7-мактаб
5.	Ражабов Н.	«Ўзбек тили ва адабиёти» I-II қисмлар	Дарслик	Самарқанд-2000 11,25 б.т.	СамДУ
6.	Вохидов А., Хожиматова З.	«Забони модарӣ» 3-синфлар учун	Дарслик	«Ўзбекистон»-2000й. 10,8 б.т.	СамДУ
7.	Варфоломеев И.П., Миркурбонова Н., Чекулина Н. А.	«Литература» 8 синфлар учун, дарслик 1-қисм	Дарслик	«Ўзбекистон» - 2000 й. 20,5 б.т.	ТДПУ
8.	Жалолов Ж.	«Инглиз тили» 10 синф учун дарслик	Дарслик	«Ўқитувчи» - 2000 й. 12 б.т.	ТДПУ
9.	Жалолов Ж.	«Инглиз тили» 11 синф учун дарслик	Дарслик	«Ўқитувчи» 1998 й. 11 б.т.	ТДПУ
10.	Тўхлиев Б.	«Ўзбек адабиёти». 9-синфлар учун.	Дарслик	«Ўқитувчи» - 2000 й. 15 б.т.	ТДПУ
11.	Қосимова Қ., Фузаилов С., Неъматов А.	«Она тили» 2-синф учун	Дарслик	«Ўқитувчи»-2000 й. 7 б.т.	Халқ таълими вазирлиги
12.	Кожуховская В.М.	«Путешествие в мир слов» 1,2-қисмлар. 2-синф учун	Дарслик	«Ўзбекистон»-2000 й. 13,5 б.т.	Халқ таълими вазирлиги
13.	Толипова Р., Ниязова З., Мавлонова З.	«Русский язык» 4-синф учун	Дарслик	«Ўқитувчи»-2000 й. 6 б.т.	Халқ таълими вазирлиги
14.	Рахманова В., Ходжаева Н.	«Она тили» 5-синф учун	Дарслик	«Ўқитувчи»-1999 й. 6,5 б.т.	Халқ таълими вазирлиги
15.	Жўраев Л., Кан С., Зирянова Р., Хошимов Ў., Эрназарова Ш., Ганиева Х., Камолова Л., Турсунова Т.	«Инглиз тили» 5-синф учун	Дарслик	«Ўқитувчи»-2000 12,5 б.т.	Халқ таълими вазирлиги
16.	Неъматов Ҳ., Ғуломов А., Абдураимова М., Қодиров М.	«Она тили» 6-синф учун	Дарслик	«Ўқитувчи»-2000	Халқ таълими вазирлиги
17.	Симона Р., Хукумов А. ва бошқалар	«Инсон ва жамият» 11-синф учун	Дарслик	«Ғофур Ғулом»-2000, 5,75 б.т.	Халқ таълими вазирлиги
18.	Мирвалиев С.	«Ўзбек адиблари»	Ўқув қўлланма	Тошкент «Ёзувчи»-2000 14,33 б.т.	ТошМадИ
19.	Тожихонов У, Саидов А.	И.А.Каримов Миллий давлатчилик, истиқлол мафкураси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида	Ўқув қўлланма	ЎзРИИВА 1999 й. 35,75 б.т.	ЎзРИИВА
20.	Алимов Х.Р. ва б.	Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига шарҳлар	Ўқув қўлланма	«Адолат» - 2000 й., 36 б.т.	ЎзРИИВА
		II.Математика ва табиий фанлар бўйича:			
21.	Сиддиқов А.М., Бабаев С.Н., Утебаев Д.	«Сонли усуллар алгоритмлари ва программалари»	Ўқув қўлланма	Нукус, «Билим»-1996й 4,0 б.т.	ТАҚИ
22.	Кудратов О.	«Саноат экологияси»	Ўқув қўлланма	Тошкент ш. ТТЕСИ-1999й. 11,62 б.т.	ТТЕСИ
23.	Тўхтаев А.	«Экология»	Ўқув қўлланма	«Ўқитувчи» - 1998 й. 12 б.т..	ТДПУ
24.	Умаров А. Р.	«Компьютер графикаси»	Тошкент «Молия»-Ўқув қўлланма	2000 й. 4,25 б.т.	ТДТУ
25.	Миркомилов Т.М., Холмуродов Н., Аловуддинов А.	«Умумий кимё» II-китоб	Ўқув қўлланма	Тошкент ТДТУ типографияси 1997й., 17 б.т.	ТДТУ
26.	Асқаров М., Ёриев О., Ёдгоров Н.	«Полимерлар физикаси ва химияси»	Дарслик	Тошкент «Ўқитувчи»-1993й., 19,5 б.т.	ТДПУ
27.	Файзуллаев О.	«Аналитик кимё»	Ўқув қўлланма	СамДУ-2000й. 8,87 б.т.	СамДУ
28.	Мухаммадиев Н.Қ, Эргашев И.М.	«Физикавий ва коллоид кимёдан амалий машғулотлар»	Ўқув қўлланма	СамДУ-2000й. 8,0 б.т.	СамДУ
29.	Бекмуродов К.А.	«Майкрософт оффис-97»	Ўқув қўлланма	СамДУ-2000й. 8,25 б.т.	СамДУ
30.	Саъдуллаев А., Худойберганов Г., Мансуров Х., Ворисов А., Тўйчиев Т.	«Математик анализ курсидан мисол ва масалалар тўплами». I, II, III -қисмлар	Ўқув қўлланма	«Ўзбекистон»-1993-2000й. 17,06 б.т.	УрДУ
31.	Қодиров А., Муфтаханов А., Норов Ш.	«Анорганик кимёдан амалий машғулотлар»	Ўқув қўлланма	«Ўзбекистон-1996й., 13,2 б.т.	БухОСЕСТИ
32.	Отабоева Х., Умаров З., Бўриев Х., Дўсмуратова С.	«Ўсимликшунослик»	Дарслик	Тошкент «Меҳнат»-2000й, 17 б.т.	ТошДАУ
33.	Норбоев Н., Абдуллаев Х., Арғимбоев Х.	«Физикадан амалий машғулотлар»	Ўқув қўлланма	Тошкент «Меҳнат»-1993й, 14 б.т.	ТошДАУ
34.	Шарифова Т., Йўлдошев Э.	«Математик анализдан мисол ва масалалар ечиш».	Ўқув қўлланма.	«Ўқитувчи»-1996 й. 20 б.т.	ТДПУ
35.	Хамидов А., Тўхтаев А., Иноғомова М., Йўлдошева Г., Вохидова М., Каримова,Д., Хайдаров О., Ғуломова М.,	«Ботаникадан ўқитувчилар учун қўлланма»	Ўқув қўлланма	«Ўқитувчи»-1999й. 17,5 б.т.	ТДАУ
36.	Ўлмасова М.Х., Тошхонова Ж.А., Исмоилов И., Камолов Ж.	«Физикадан практикум».	Ўқув қўлланма	«Ўқитувчи» - 1996 й. 12 б.т.	ТДПУ
37.	Абдуқодиров А.А., Фозилов Ф.Н., Умурзоқов Т.Н.	«Ҳисоблаш математикаси ва дастурлаш»	Ўқув қўлланма	«Ўқитувчи» - 1996 й. 13,5 б.т.	ТДПУ
38.	Холида Мирфаёз қизи, Азизов С.З.	«Мижозингизни билиб даволанинг»	Ўқув қўлланма	Тиббиёт нашриёти - 1999 й. 10 б.т.	ФарМИ
39.	Холида Мирфаёз қизи	«Туркий тибнома»	Ўқув қўлланма	«Ўзбекистон» - 1992 й.	ФарМИ
40.	Тўлаганов Т.Р.	«Учбурчак геометрияси».	Ўқув қўлланма	«Ўқитувчи» - 1997 й. 5 б.т.	ТДПУ
41.	Абдуқодиров А.А.	«Ҳисоблаш математикаси ва дастурлашдан лаборатория ишлари»	Ўқув қўлланма	«Ўқитувчи»-1993 й. 9,24 б.т.	ТДПУ
42.	Бикбаева Н.У. Янгабаев Е.	«Математика». 1-синф	Дарслик	«Ўқитувчи»- 1999 й. 12 б. т.	ТДПУ
43.	Мавлянов О., Комилов Г. К.	«Зоология». 7-8-синфлар	Дарслик	«Ўқитувчи» - 1999 й. 19 б.т.	ТДПУ
44.	Абдуқодиров А.А., Хайитов А.Г.	«Информатика ва ҳисоблаш техникаси асосларидан машқлар тўплами». 8-синфлар учун	Дарслик	«Ўқитувчи» - 1996 й. 4,81 б.т.	ТДПУ
45.	Абдуқодиров А.А., Хайитов А.Г.	«Информатика ва ҳисоблаш техникаси асосларидан машқлар тўплами». 9-синф учун	Дарслик	«Ўқитувчи» - 1996 й. 4,81 б.т.	ТДПУ
46.	Абдуқодиров А.А., Азларов Т.Р., Болтаев Б.Ж., Далиев А.Ш., Зияхўжаев М.З.	«Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари». 9-синф учун.	Дарслик	«Ўқитувчи»-1996й. 8 б.т.	ТДПУ
47.	Абдуқодиров А.А., Азларов Т.Р., Болтаев Б.Ж., Далиев А.Ш., Зияхўжаев,М.З.	«Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари». 10-синф учун.	Дарслик	«Ўқитувчи»-1997 й. 5,88 б.т.	ТДПУ
48.	Мўминов А., Баратов Л., Маматқулов М., Рахимбеков Р.	«Физическая география Узбекистана». 8-синф	Дарслик	«Ўқитувчи» - 1996 й. 10 б.т.	ТДПУ
49.	Григорьянц А.Г.	«Атрофимиздаги олам» 2-синф учун	Дарслик	«Чўлпон»-2000 й. 5,5 б.т.	Халқ таълими вазирлиги
50.	Раҳимқориев А. ва Мирзаахмедов М.	«Математикадан масалалар тўплами» 5-синф	Дарслик	«Ўқитувчи»-2000 й. 11 б.т.	Халқ таълими вазирлиги
51.	Шодиев Д ва бошқалар	«Физика» 6-синф	Дарслик	«Ўқитувчи»-2000 й.11 б.т.	Халқ таълими вазирлиги
52.	Мўминов О., Баратов П., Маматқулов М., Рахимбеков Р.	«Ўзбекистон табиий географияси» 7-синф учун	Дарслик	«Ўқитувчи»-2000 й. 11,5 б.т.	Халқ таълими вазирлиги
53.	Захидов Т., Азамхонов И.	«Математикадан тест ва қийин масалаларни ечиш учун формулалар»	Ўқув қўлланма	Наманган-2000й. 56 бет	Наманган вил., Поп тумани, 50-лицей
54.	Азамхонов П., Захидов Т.	«Математикадан лаборатория ишлари» 1, 2-қисмлар	Методик тавсия	Наманган-1994й, 1996 й. 19 бет, 16 бет.	Наманган вил., Поп тумани, 50-лицей
55.	Ўлмасова М., Камолов Ж., Лутфуллаев Т.	«Физика механика молекуляр физика ва иссиқлик».	Ўқув қўлланма.	«Ўқитувчи» - 1997 й. 18,5 б.т.	ТДПУ
56.	Абдуқодиров А.А.	«Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари». 10-синф	Дарслик	«Ўқитувчи» - 1997 й. 4,99 б.т.	ТДПУ
		III. Умумкасбий ва касбий фанлар бўйича:			
57.	Ғуломов С.С., Шарифхўжаев М.	«Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти»	Дарслик	Тошкент «Ўқитувчи»-2000й, 17,5 б.т	ТМИ
58.	Видяпин В.И., Журавлева Г.Л. Гулямов С.С., Шарифхўжаев М., Абдурахманова К.Х	«Экономическая теория»	Дарслик	Тошкент «Шарқ»-1999й. 32,4 б.т.	ТМИ
59.	Яҳёев Қ.	«Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти»	Дарслик	Тошкент «Ғафур Ғулом»-2000й, 9,0 б.т.	ТМИ
60.	Абдуллаев Ё., Каримов Ф.	«Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари»	Ўқув қўлланма	Тошкент «Меҳнат»-2000й. 22 б.т.	ТМИ
61.	Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё.	«Менежмент»	Дарслик	Тошкент «Меҳнат»-2000й. 35 б.т.	ТМИ
62.	Абдуллаев Ё.	«Статистика назарияси»	Ўқув қўлланма	Тошкент «Меҳнат»-2000й. 27 б.т.	ТМИ
63.	Тожиев Р.Ж.	«Қурилиш машиналари»	Дарслик	Тошкент «Ўзбекистон»-2000й 19,0 б.т.	ФарПИ
64.	Хошимов А.А. Арипов Н.И.	«Частично регулируемый асинхронный электропривод шелкомотания»	Ўқув қўлланма	Тошкент ТДТУ босмахонаси-2000й, 11,5 б.т.	ФарПИ
65.	Арипов Н.М.	«Автоматизация технических процессов шелкомотания с применением регулируемых электроприводов»	Дарслик	ТДТУ босмахонаси-2000й 10,0 б.т.	ФарПИ
66.	Сайибов Т.	«Композиция»	Ўқув қўлланма	Тошкент «Ўзбекистон»-1999й, 9,03 б.т	ТАҚИ
67.	Асқаров Б.А.	«Қурилиш конструкциялари»	Дарслик	Тошкент «Ўзбекистон»-1995 й, 23,31 б.т.	ТАҚИ
68.	Азимов Х.	«Қурилишда меҳнат хавфсизлиги»	Ўқув қўлланма	Тошкент «Фан»-1997 й, 8,8 б.т.	ТАҚИ
69.	Сафаров Н.	«Метрология стандартлаш ва сертификация»	Ўқув қўлланма	НМП, «Ziyo»-2000й, 5,0 б.т.	НамМИИ
70.	Абдукаримова М.З.	«Бўёвчи моддалар кимёсидан амалий машғулотлар»	Ўқув қўлланма	Тошкент ш. ТТЕСИ-2000 й. 7,75 б.т.	ТТЕСИ
71.	Қосимова Ш.Т.	«Программалаш технологиясига кириш»	Ўқув қўлланма	ТДТУ-1997 й. 5,2 б.т.	ТДТУ
72.	Исахўжаев Б.А, Мирхўжаев Ш.С. Мултонмуродова М.А. Мирусмонов, Йўлдошев М.А.	«Фойдали қазилма конларини қидириш ва разведка қилиш асослари»	Ўқув қўлланма	ТДТУ-1997й. 10,0 б.т.	ТДТУ
73.	Ким Л.Л.	«Геодезия»	Ўқув қўлланма	ТДТУ-1998й. 7,2 б.т.	ТДТУ
74.	Ёрматов Е. F., Насретдинов Ш.Ш., Исамухамедов Е.У.	«Саноат санитарияси»	Ўқув қўлланма	ТДТУ-1999й. 8,25 б.т.	ТДТУ
75.	Мирходжаев И.М. Одилов Ф.Б.	«Региональная геология»	Ўқув қўлланма	ТДТУ-2000й. 9,25 б.т.	ТДТУ
76.	Насритдинов Ш.F.	«Кон электротехникаси» I, II, III, IV -қисмлар	Ўқув қўлланма	Тошкент «Шарқ»-1995 й., ТДТУ-2000й	ТДТУ
77.	Шеглов А.Ф.	«Основы проектирования деталей и узлов машин»	Ўқув қўлланма	ТДТУ-1994й. 11,2 б.т.	ТДТУ
78.	Латипов Х. F, Носиров Ф.У, Тожиев Ш.И.	«Аналитик геометрия ва чизиқли алгебрадан масалалар ечиш бўйича қўлланма»	Ўқув қўлланма	Тошкент «Фан»-1999й., 17,5 б.т.	ТДТУ
79.	Шообидов Ш.А., Мусаев С.Ў.	«Юритмалар тасмали ва занжирли узатмаларни лойиҳалаш»	Ўқув қўлланма	Тошкент ТДТУ типографияси 2000й., 5,25 б.т.	ТДТУ
80.	Расулов С.А.	«Қуймакорликда металларни суюқлаштириш усуллари»	Ўқув қўлланма	Тошкент «Ўзбекистон»-1998 й. 10 б.т.	ТДТУ
81.	Раҳимов А.	«Тракторлар, автомобиллар ва уларнинг двигателлари»	Ўқув қўлланма	Тошкент ТДТУ типографияси 1996 й., 9,0 б.т.	ТДТУ
82.	Қоғлонов А.М.	«Машины для уборки, измельчения и переработки стеблей хлопчатника»	Ўқув қўлланма	Тошкент ТДТУ типографияси 1996 й., 11 б.т.	ТДТУ
83.	Хакимов О.Ш., Юнусов Б.Х.	«Акустические измерения»	Ўқув қўлланма	ТДТУ-1997й. 11,4 б.т.	ТДТУ
84.	Ражабов Т.Д., Шустров В.А., Назаров А.М.	«Қатлам микроэлектроникаси асослари»	Дарслик	Тошкент «Ўзбекистон»-1997й., 8 б.т.	ТДТУ
85.	Аминов А.Р., Ёдгоров Н., Толипов Х.Т.	«Бурғилаш эритмалари»	Дарслик	Тошкент ТДТУ типографияси 1996й., 15 б.т.	ТДТУ
86.	Назаров М.З.	«Муҳандислик геологияси ва атроф-муҳит муҳофазаси	Дарслик	Тошкент «Ўзбекистон»-1994й., 8, 17 б.т.	ТДТУ
87.	Латипов Х.Р., Насиров Ф.У., Тожиев Ш.	«Дифференциал тенгламаларнинг сифат назарияси элементлари ва унинг тадбиқи»	Ўқув қўлланма	Тошкент «Фан»-1999й., 17,5 б.т.	ТДТУ
88.	Хамдамов Ж.	«Ўзбек тилида равишдош»	Ўқув қўлланма	СамДУ-2000й. 9,0 б.т.	СамДУ
89.	Тўраев Х.	«Математик мантиқ ва дискрет. Математика»	Ўқув қўлланма	СамДУ-2000й. 10,87 б.т.	СамДУ
90.	Йўлдошев М.М. Ўринбоев З.Б.	«Лотин тили»	Дарслик	СамДУ-2000й. 14,5 б.т.	СамДУ
91.	Қодиров С.М., Лебедев О.В., Сидиқназаров Қ.М.	«Трибология асослари»	Ўқув қўлланма	ТАЙИ-2000й. 11 б.т.	ТАЙИ
92.	Лебедев О.В., Қодиров С.М.	«Основы трибологии»	Ўқув қўлланма	ТАЙИ-2000 й. 11 б.т	ТАЙИ
93.	Махмудов F.Н.	«Автомобилларнинг электр ва электрон жиҳозлари»	Дарслик	Тошкент «Истиқлол»-2000 й. 15,1 б.т.	ТАЙИ
94.	Ахмедов Н., Муродов С.,	«Ипакчилик асослари»	Дарслик	Тошкент «Ўқитувчи»-1998 й. 12 б.т.,	ТошДАУ
95.	Ғойипов Х.	«Меҳнат муҳофазаси»	Ўқув қўлланма	Тошкент «Меҳнат»-2000 й. 16 б.т.	ТошДАУ
96.	Назаров Х.Х., Очилова Х.О., Подгорнов Е.Г.	«Геометриядан масалалар тўплами»	Ўқув қўлланма	«Ўқитувчи» - 1997 й. 15 б.т.	ТДПУ
97.	Мавлянов О., Хуррамов Ш.	«Умуртқасизлар зоологияси».	Ўқув қўлланма.	«Меҳнат» - 1998 й. 25 б.т.	ТДПУ
98.	Додажонов Н.Д., Жўраев М.Ш.	«Геометрия».	Ўқув қўлланма	«Ўқитувчи» - 1996 й. 24 б.т.	ТДПУ
99.	Юсупбеков Н.Р., Нурмухамедов Х.С., Исматуллаев П.Р, Закиров С.Г., Маннапов Ў.В.	«Кимё ва озиқ-овқат саноатларининг асосий жараён ва қурилмаларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш»	Ўқув қўлланма	«Тошкент» - 2000 й. 16. б.т.	ТКТИ
100.	Рустамов Х.Р.	«Физик кимё»	Дарслик	«Ўзбекистон» - 2000 й. 25,7 б.т.	ТКТИ
101.	Мирходжаев И.М., Ткачев В.Н.	«Вулконогенная фармация верхнего палеазоя.»	Ўқув қўлланма	«Тошкент» - 1996 й. 9. б.т.	ТДТУ
102.	Бердимуратов Е.	«Ҳозирги қорақалпоқ тили» (лексикология)	Ўқув қўлланма	Нукус, «Билим»-1994 й 12,5 б.т.	Республика ўқув методик маркази
103.	Алимбаев А.У.	«Саноат иситиш қозонхоналари»	Ўқув қўлланма	ТДТУ-1998 й. 7,7 б.т.	ТДТУ
104.	Маҳкамов Қ.	«Машиналар пухталиги»	Ўқув қўлланма	ТДТУ-1999 й. 6,25 б.т.	ТДТУ
105.	Байдуллаев А.	«Бармоқсимон Фрезаларда узлукли фрезалаш динамикаси асослари»	Ўқув қўлланма	Тошкент ТДТУ Типографияси 1999й, 6,2 б.т.	ТДТУ
106.	Саъдиев С.	«Мелихон Самарқандий ва Тазкираи Ў»	Ўқув қўлланма	СамДУ-1999 й. 6,2 б.т.	СамДУ
107.	Хаитов Р.А., Зупаров Р.И., Ражабов В.Э., Шукуров З.З.	«Дон ва дон маҳсулотларини сифатини баҳолаш ҳамда назорат қилиш»	Ўқув қўлланма	Тошкент «Университет»-2000 й. 13,1 б.т.	БухОСЕСТИ
108.	Жамилов М.М.	«Металл кесиш станоклари курсидан лаборатория ишлари»	Ўқув қўлланма	«Ўқитувчи» - 1998 й. 4,5 б.т.	ТДПУ
109.	Холматов Х.Х., Аҳмедов Ў.А.,	«Фармакогнезия»	Дарслик	«Ибн Сино» - 1996 й. 39 б.т.	ФарМИ
110.	Миралимов М.М.	«Фармацевтик технология асослари»	Дарслик	«Ибн Сино» - 1990 й. 18 б.т.	ФарМИ
111.	Булатов С.С.	«Ганчкорлик» 7синф	Дарслик	«Ўқитувчи» - 1998 й. (31 бет)	ТДПУ
112.	Булатов С.С., Дадашев Л.,	«Нақш алифбоси»	Дарслик	«Чўлпон» 1999 й. (39 бет)	ТДПУ
113.	Иномова М.	«Оилада болаларнинг маънавий - ахлоқий тарбияси»	Ўқув қўлланма	«Тошкент» - 1999 й. 9,2 б.т.	ТДПУ
114.	Нурматов Ҳ., Норхўжаев Н.	«Мусиқа алифбоси»	Дарслик	«Ўқитувчи» - 1998 й. 9 б.т.	ТДПУ
115.	Азимов С.	«Дурадгорлик» Ёрдамчи мактаблар учун, 5 - синф учун	Дарслик		Халқ таълими вазирлиги «Ибн Сино» - 1996 й.
116.	Холматов Х.Х., Аҳмедов Ў.А.	«Фармакогнезия» (билим юртлари -учун)	Дарслик	22 б.т.	ФарМИ

Дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳақида фикр ва мулоҳазалар матбуотда эълон қилиниши ёки Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институтига (Тошкент, 700011, Пахтакор кўчаси, 3-уй) ёзма тақриз шаклида 15 сентябргача юборилиши мумкин.

Ойни олиб келаман,
Юлдуз олиб келаман
Тунлар тушларингизга
Кундуз олиб келаман.

Шунинг учун ҳам олиму фузалоларнинг шоҳидлик беришларича, Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифдан сўнг Улуғ бобомиз "Ҳикматлар"и мусулмон оламида катта шуҳрат қозонган экан.

Ko'ngil bitiklari

Қўчқор Норқобил



ТЎРТЛИК

Дўст, даҳолик тақдирнинг юки,
Уммон қавмим демас кўлмакни...
Кўтармоқлик Аллоҳнинг ҳукми
Ер шаридан катта юракни.

ДЎРМОНДА ЁЗ

А.О.
Йигирма иккинчи июнь.
Дўрмон. Дўл. Тўзон...
Ёзнинг қоқ белини синдирди чақмоқ...
Тонгнинг юрагини қилади вайрон
Дўлдан қамчи ясаб момоқалдироқ.

Ўқ еб қулагандай тумонат лашкар,
Тўп-тўп тўкилади ерга зардоли...
Замбарак отади олмалар саҳар
Боғлар кўкка боқар ғамгин, зардали...

Мордай биланглайди югирик ирмоқ,
Ғумойзор томрида жавзо алёри...
Нон ҳидидай кўпчиб таралар тупроқ
Чорбоғни уйғотар чақмоқлар сайри.

Чўмилиб олади кекса чинорлар —
Сокин тиниқликка чўмади дайр...
Бир шиддат туяди — юрагин олиб
Чақмоқ қиличига тутади шоир.

ФАРЗАНДЛАРИМГА

От бўлиб учсам бир кун,
Осмонни қучсам бир кун.
Булутлардай сузаман,
Шамоллардан ўзаман,
Гулдан бўлар охурим
Кел, деб йиғлайсизми Сиз —
Севинчим, Жавоҳирим?!

Ойни олиб келаман,
Юлдуз олиб келаман
Тунлар тушларингизга
Кундуз олиб келаман.
Кетсам тугаб охирим
Йиғлатмайсизми мени
Севинчим, Жавоҳирим?!

Равшан Файзий қаерда?
Тилак Жўра билади
Чори Аваз қаерда?
Шавкат Раҳмон билади.
Сўрасангиз гар мени,
Қай бир чақмоқ шоирдан
Аён бўлса зоҳирим,
Кўргингиз келадими
Севинчим, Жавоҳирим?!

Чўлу адир, ўримда —
Сурхон деган еримда.
Ётса танам... беармон
Шеър ўқирдим гўримда.
Нурга тўлса соҳирим
Мени эшитасизми,
Севинчим, Жавоҳирим?!
Ер устими, ер ости —
Ҳамма жойда бор дўстим.
Дуога банддир дастим.
Мендан ўзиб моҳирим
Бир кун шод этасизми
Севинчим, Жавоҳирим?!

* * *

Мен осмондан баланд эдим,
Учар эдим юксакда.
Ўқ нима-у?
Билмас эди
Болаликнинг қаноти.
Орзуларнинг ол ришталари
Уфқларга бойланар,
Осмонларни тутар эди
Менинг олов баётим...

Йиллар тўзғин еллар каби
Йўқликларга сингдилар.
Неки учса бир кун албат
Қисмат — қулар, тўкилар...
Қай тонг ўтли қўшиқларим
Юрагимда сўндилар.
Қулаяпман, пастликларда
Тану руҳим титилар.

Нима бўлди?
Юрагимдан аввал
елкам эзилди...
Фалаклардан юксакликни
Топиб борди қайси ўқ?!
Ў, ў,
Заминнинг ташвишлари
Елкам сизга зормиди?..
Ўқ нелигин билмайсан-да...
Кулма осмон, елканг йўқ!

САОДАТГА ИНТИЛМОҚ ЖОИЗ

Ушбу битиклар билан оқ қоғозни қоралаш жараёнида ўтган пири комиллар, азиз-авлиёлар қолдирган улуғ ҳикматлар мағзини чақиб, улардаги одамзод учун сув ва ҳаводай зарур бир даъватни англадим. Ўқиган, илм чашмасидан хабардор бўлган, дунёни англаган инсон энг аввало ўзини енгмоқ, нафсини тиймоқ ва қалбини покламоқ саодатига эришмоғи керак экан.

Нега бу ғоя олдинга сурилди? Нега айнан шу масала аҳли донишмандлар оромини ўғирлаб, ҳаловатига бедорлик солди. Ахир бу кўҳна оламда инсонни бахтли ва бахтсиз этгувчи яна қанчадан-қанча жумбоқлар мавжуд эди-ку. Тариқат илмининг бош мавзуси, сўфийлар ҳаётининг асл мазмунига айланган бу ҳикмат замирига қандай сир-синоат, қандай муддао яширинган?

Ривоят қилишларича, пайғамбаримиз боқий дунёга рихлати олдидан саҳобаларни чақириб: "Қай бирингиз омонатимни (ислом тариқатини) келгуси авлодга етказгайсиз? — дея сўраганлар. Шунда авлиё Арслон Боб ота бу юмушни зиммасига олади... У орадан 500 йил ўтгач, даштда кетаётиб етти ёшли гўдакни учратади.

— Устоз, менинг омонатимни беринг, —деб сўрайди у авлиёдан. Бу бола Чимкентнинг Сайрам қишлоғида туғилган, Шайх Иброҳим ва Қорасоч ойимнинг фарзанди Аҳмад Яссавий эди. Бу зоти шариф таваллудидан умрининг интиҳосига қадар қалбини пок сақлай олди, ўзидан ғолиб чиқди, ҳавойи ҳаваслари ҳаттоки хаёлига яқинлаштирмай, бамисоли тонгги шудринг каби тиниқ ва ёрқин ҳаёт кечирди. Шунинг учун ҳам олиму фузалоларнинг шоҳидлик беришларича, Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифдан сўнг Улуғ бобомиз "Ҳикматлар"и мусулмон оламида катта шуҳрат қозонган экан. Аҳмад Яссавий ҳалоллик ва адолат ҳақида кўп ранжу заҳмат чекиб кишиларни диёнатга, меҳр-шафқатга чорлаганлар. "Чин шайх олган садақаларини шунга эҳтиёж сезган муҳтожларга ва ғарибларга улашур, — деб ёзади Аҳмад Яссавий ўзининг "Расоил" асарида. — Мабодо олган садақаларини ўз нафсига ишлатса, ит теккан таомдай ҳаром бўлур".

Бу хусусда хожаи Жаҳон номи билан машҳур бўлган хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний янада теран фикрлайди. У ўзининг "Васиятнома"сида фарзандига қарата: "Мансаб эгаллашга, раҳнамо бўлишга тиришма, кимки раҳбар бўлишни истаса, халоскорлик топа билмас..." дея панду насиҳат қилади.

Энди Қуръони Карим билан Ҳадиси шариф оралиғидаги мақомда турувчи улуғ маънавий неъмат — Ҳадиси қудсийдан бир калима ўқинг: "Эй одам боласи, агар сенинг ташқи кўринишинг яхши бўлиб, ички дунёинг ёмон бўлса, сен ҳалокатга лойиқларнинг лойиғисан".

Азиз ўқувчи! Юқорида келтирилган ҳикмат ва ҳикоятлар орқали ўзимизга бир-икки савол билан мурожаат қилиш, юмшоқроқ айтганда сокин қалбларимизга қулоқ тутиш фурсати етганлигини эслатиб қўймоқчиман.

Дўппини ёнга қўйиб, холисона мушоҳада қилайлик. Бир неча асрлар муқаддам кўндаланг қўйилган саволлар нега бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади? Наҳотки ўтган юзлаб йиллар мобайнида инсоният ақл-заковати бир нуқтадан олға силжимаган бўлса?! Яхшилик билан ёвузлик ўртасидаги рақобат бартараф этилмаса, уруш оловлари сўнмаса, кин, адоват чашмаси қайнаб тошаверса? Очкўзлик, бойликка ўчлик, разолат, жаҳолат туйғулари шу қадар яшовчими? Агар шундай бўлмаганида Чингизхон, Гитлер, Бен Ладен каби хунрезлар дунёга ўт қўярмиди, сохта доҳийлар оламни алғов-далғов қилиб юборармиди, жаҳоннинг ҳали у ер-ҳали бу ерида уруш оловлари ловуллаб, минг-минглаб бегуноҳлар ёстиғи қурирмиди?

Майли, булар яқин ўтмишимиздаги жароҳатлар. Булар аждодларимиз бошидан кечирган кўргуликлар. Хўш, ҳозир аҳвол нечук, дунё қанақа? Табиат асраб-авайлаганяптими, нафсимиз жиловланганми?

Афсуски, бу саволларга ижобий жавоблар ололмаймиз. Нега? Негаки, дард кўп, иллат кўп. Бироқ, барча иллатлар боши — инсоннинг илмдан узоқлашувимикан, деган хаёлга борасан, киши. Унда илм-фан кашфиётлари, фан-техника ютуқлари, кибернетика, электроника, коинотшунослик равнақи тўғрисида нима дейсиз? Тўғри, булар ҳам бор гап. Афсуски, инсон фанда илгарилаб боргани сайин маънавиятда, қадриятда жарликка қулаётгандай. Бўлмаса XXI аср остонасида туриб меҳр-шафқат жамғармалари ташкил этилишига ҳожат бормиди? Гарчи "Саҳоват" уйи деб атасак-да, аслида ўз зурриёдлари меҳрига ташналар "кошоналари" вужудга келганлиги ҳам бориб-бориб қалб кўзи хиралашиб қолганлигига боғланмайдими?

Президентимиз ёшларга қарата, "Эй фарзандлар, имкони борида, оналарни эҳтиёт қилинг, уларни ардоқланг, бир оғиз лутф-карамини кўзингизга тўтиё этинг, ғафлатда қолманг" деб жон куйдирганида ҳам юрт каттасига хос жонсараклик, хавотир ва улуғ бир ҳикмат зоҳир эмасми? У муҳтарам зотнинг қайта-қайта маънавият оламига даъватида халқимиз тақдири, келажаги учун фидойилик хислатлари мужассам эмасми?

Истиқболни мозий сабоғидан қидирмоқ ҳақида, тарихини билмаган халқнинг эртаси нурсиз ва шубҳали эканлиги тўғрисида дил-дилдан айтган фикрлар-чи?

Яна ва яна савол туғилади. Хўш, биз бу чақириқлар моҳиятини илғаб, англаб олаяпмизми? Мозийдан таралган зиё ила келажак йўлимизни нурафшон этоляпмизми? Тарихимизни энди чуқурроқ ўрганишга истак ва хоҳиш уйғонгандир. Авлод-аждодларимиз қолдирган ададсиз маънавий бойлик ва илм хазинаси тўғрисида ғурурланиб ғапиришни ўргандигу, кези келса бу бебаҳо хазинадан баҳра олмоқ саодати ҳақида бош қотирямизми?

Тўғри, ёшлар дунёга йўл очишди. Америка, Европа, Ҳинди-Хитой мамлакатларида ҳам ўзбек талаффузидаги суҳбатлар қулоққа чалинмоқда. Фарзандларимиз истеъдод ва иқтидор жиҳатидан дунёнинг у чеккасидаги тенгдошлари билан бемалол бўйлаша, тенглаша олишларини намоён этмоқдаларки, ҳали бу уммондан бир томчи, қуёшдан бир зарра. Бироқ, бу зарралар, бу томчилар бугунги шаҳдам одим учун, жаҳон ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли, тенг фикрли аъзо бўлишимиз учун, эртанги буюк келажагимиз учун камлик қилади. Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши учун ҳамма баробар улуш қўшиши, онги ва заковатини юксалтириши, маданият эгаси, билим эгаси бўлмоғи лозим. Бунинг учун эса энг аввало ўтмишимизни мукаммал ўрганишимиз, истиқлол берган ҳур фикрлилик, эркинликдан фойдаланиб, тарихий қадриятларимизни улуғламоғимиз даркор.

Буюк мутафаккирлар ҳаёти ва ижодий фаолиятини мукаммал ўрганиш ўзликни танитади. Ўзликни таниш Ватанни билиш ва севиш демакдир. Ватанни севиш истиқлол қадрига етишга, уни кўз қорачиғидай ардоқлашга ўргатади.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ

Mulohaza

Xullas...

"ЮБИЛЯР" — ЛАМПОЧКА

100 ёшга кирган кишини қутлаш мантиққа тўғри келади. Аммо симёғочда осиғлиқ турган лампочканинг 100 йиллигини нишонлаш... Бунга сира ақлингиз бовар қилмаса керак.

1901 йилнинг 8 июнида Ливермор (АҚШ) шаҳрининг ёнғинга қарши кураш идорасига ўрнатилган лампочка ўз хизмат "вазифаси"ни аълодан ҳам аъло даражада ўтайди, деб ҳеч ким ўйламагандi. Лампочка бир аср мобайнида кечалари мутлақо ўчмасдан, қуйиб қолмасдан ишлаган.

Ўтган XX аср арафасида электр компанияларидан бирида ишлаб чиқарилган ёриткич айнан кимнинг қўлида тайёрланганлиги афсуски, номаълум.

Ливермор шаҳридаги тантана "айбдори" айнан шу лампочкадир. Шаҳарликлар ўша куни чироқ атрофига йиғилишиб, уни олқишлашди. Ҳаттоки бошқа давлатлардан меҳмонлар ҳам келишди.

Тадбирда иштирок этган Москва электролампа заводи маркетинг бюроси бошлиғи Вадим Киянов, «юбиляр" яна 100 йил ёниб туришини башорат қилди. Балки ёриткич абадий ўчмас. Унинг қуввати кўп, ичидаги вольфрам толасидан ишланган спирал йўғон.

Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган "юбиляр"ни ким ясаган бўлса ҳам қўли дард кўрмасин.

"СУПЕР" ЎҒИЛ БОЛА

"Супер"сиз нарса қолмади, ҳисоб. "Супермагазин", "супермашина", ҳаттоки нутқимизга "супер қайнона" ибораси ҳам кириб келди. Москва атрофидаги Кунцево посёлкасида яшовчи Нелли хонимнинг ўғлига нисбатан ҳам "супер ўғил бола" атамасини қўллай бошлашди.

Нега деганда боласи тушмагурда туғма қобилият дегани ғиж-ғиж. Аслида отаонаси уни машҳур киноактёр Брюс Лига ўхшасин деб, исмини Брюс деб қўйишганди. Худди худо оғзиларига солгандек, Брюснинг хатти-ҳаракатларида ўша актёрнинг қилиқларига қуйиб қўйгандек ўхшашлик сезила бошлади.

Бундан ортиқ кутилган ҳол бўладими? Кичкина Брюс Ли икки ёшида каноп ипдан тўқилган арқонга ўтириб, "сайр" қилар эди. 7 ёшида "Волга"ни бемалол бошқара билган супер бола орадан икки йил ўтиб, 3 тонналик оғирликдаги "Жип"ни ҳам хотиржам, худди моҳир ҳайдовчидек юргизарди.

Ҳозир Брюс ўзининг 15 турдаги хилма-хил қойил қоларли курсаткичлари билан тилга тушди. У ҳақдаги "шов-шув"лар Гиннеснинг рекордлар китобида ҳам бор.

Бўламан деган бола-да...

ТЎҚСОНГА КИРИБ ТЎҚМОҚДАЙ...

Шотландиялик 89 ёшдаги жаноб Жон Макбрайтнинг хатти-ҳаракатлари мутлақо унинг ёшига мос эмас. Одатда 80-90 ёшдагилар босай-ми, босмайми деб имиллаб зўрга юришади. Макбрайт бобо эса аксинча, ҳаракатчан, бардам-бақувват.

Бунинг "сири" нимада? Сабзи аралашган бодринг шарбати унинг доимий ичимлиги экан. Нафақат пешоб ҳайдаш, балки соч ва тирноқлар мустаҳкамлигини таъминлашда ҳам бу шарбат ўзига хос вазифа ўтайди.

Ухлаганда бошингиз шимол томонда, оёғингиз жануб томонда бўлсин, деб уқтиради жаноб Макбрайт. 3-4 ой мобайнида оёғингиз тагига уйқу олдидан валерианка томчисини суркасангиз, тиниқиб ухлайсиз. Сигаретани қўлингизга ҳам олманг, тонг азонлаб бир стакан совуқ сув ичинг! Вискидан воз кечган маъқул.

Узоқ умр кўришнинг алоҳида шартлари тўла маънода ўзини оқлагани рост. Бизнинг шароитдаги шартлардан гарчи бошқачароқ бўлса-да, ўхшашлари ҳам йўқ эмас...

ana shunaqa gaplar

Sport

МУДДАТНИ УЗАЙТИРМОҚЧИ ЭМАС

Кейинги пайтларда Италия матбуотида кўзга ташланаётган хабарлар ичида Дэвид Бекхем ҳақидагилари турлича янграмоқда. Ҳозирда Англия терма жамоаси етакчи футболчиси Дэвид яна бир йилдан сўнг ўз клуби билан тузган шартномасини тамомлайди. 27 ёшга кираётган ўйинчи келажакда "Милан" билан беш йил "ҳамкор" бўлмоқчи.

РЕЙТИНГ ДЕЯРЛИ ЎЗГАРМАДИ

АТПнинг янги эълон қилинган профессионал теннисчилар рейтинги рўйхати деярли ўзгармади. Андре Агасси ҳамон пеш пешқадам. Густаво Куэртен иккинчи. Дастлабки йигирталик рўйхатдан ҳам жой тегмаган М.Сафин қўшимча рўйхатда 3-ўринни забт этди. Ўзбекистонликларга яхши таниш бўлган Евгений Кафельников дунё таснифида 10-ўринда бормоқда.

Эртага Тошкентда бошланадиган ўсмирлар ўртасида эркин ва юнон-рум курраши бўйича Жаҳон чемпионати ғолибларига аталган кубоклар.

ЯНГИ РЕКОРД

Австрия ғаввослари гуруҳ бўлиб ўртача чуқурликдаги сув остида узоқ муддат бўлиш юзасидан янги жаҳон рекординиўрнатдилар. 4 кишилик гуруҳ сув остида 41 соат "яшаб" аввалги ғаввослардан 21 минут кўпроқ натижа кўрсатди.

ЭНГ БОЙ КЛУБ

Англиянинг "Football Business International" журналида энг кўп айланма маблағга эга бўлган футбол жамоалари рўйхати эълон қилинди. Унга кўра "Манчестер Юнайтед" клуби энг бой клуб дея эътироф этилди—йиллик айланма маблағи 157 миллион долларни ташкил қилди. 600 та клубнинг якуний рўйхати декабрь ойида эълон қилинади.

maydonchasi

«ОБОД ЮРТНИНГ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ»

Пойтахтимиздаги ҳайвонот боғида мустақилликнинг ўн йиллигига бағишланган "Обод юртнинг озод фарзандларимиз" мавзуидаги байрам сайли ўтказилди.

—Бола дунёга ҳайрат ва ҳаяжон билан боқади,-деди Юнусобод туман ҳокими муовини Вафо Латипов "Туркистон-пресс" мухбирига. — Бугунги тадбирнинг айнан ҳайвонот боғида ўтказилишида ҳам ҳикмат бор. Болаларнинг қалбини эзгулик чулғасин. Уларда она табиатга, ҳайвонот оламига бўлган меҳру муҳаббатини болаликдан сингдириб бормоқнинг аҳамиятини изоҳлашга эса ҳожат бўлмаса керак.

Сайлда Юнусобод тумани ИИБ назоратида турган, тарбияси оғир ўсмирлар, тумандаги 50 та маҳалланинг вояга етмаган ёшлари, ота-оналар иштирок этишди. Ҳайвонот боғи бўйлаб от ва туялар устидаги сайр болаларга ўзгача қувонч бағишлади. Боғ ичкарисидаги майдончада эса 60 метрга югуриш, тош кўтариш ва арқон тортиш бўйича мусобақалар ўтказилди.

—Сайл шукуҳи болалар кўнглидан чуқур жой олиши тайин. Шу боис, бундай тадбирларни яна ўтказамиз,-деди сўзининг якунида Вафо Латипов.

"Туркистон-пресс"

QUTLOV

Хурматли
Тилов БОЙЗОҚОВ!

Сизни таваллуд топган кунингиз билан самимий муборакбод этамиз. Сизга Аллоҳдан мустаҳкам соғлиқ, хонадонингизга файзу барака, дастурхонингизга тўкин-сочинлик, фаолиятингизда эса юксак муваффақиятлар тилаймиз.

Жиззах вилояти
Зафаробод тумани
А.Дўстов номли 10-мактаб жамоаси.

Шаҳрисабзлик шифокорлар янги ўқув йилидан бошлаб мактабларнинг юқори синф ўқувчиларига "Жозибали табассум учун тишларимиз соғлом бўлсин" дастури асосида дарс соатлари ўтишни режалаштирмоқда.

Ўтган ўқув йилидан бошлаб Шаҳрисабздаги тиш даволаш ва қўйиш шифохонасининг бош шифокори Аҳмад Юсупов бошчилигидаги бир гуруҳ шифокорлар, шаҳардаги 107 та мактабнинг 2-синф ўқувчиларига тишларининг соғлом бўлиши учун нималарга эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида дарс соатлари ўтказишган эди.

ЖОЗИБАЛИ ТАБАССУМ УЧУН

— Бу ҳаракатларимиз беиз кетмади, — деди бош шифокор А.Юсупов "Туркистон-пресс" мухбирига. — Тиши оғриб шифокорга мурожаат қилган кичкинтойларнинг сони кескин камайди. Бу эса шифокорларнинг катта ютуғи бўлди.

Бу йил шу тажриба асосида юқори синф ўқувчиларига ҳам ана шундай дарс соатлари ўқитишни йўлга қўйишмоқда. Шу билан биргаликда қишлоқ хонадонларида ҳам тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйишни мўлжаллаб туришибди.

Вилоятда ягона тишларни айланма ҳолатда рентген қилиш асбобининг Исроилдан келтириб ўрнатилиши ҳам беморларга замон талабларига мос равишда хизмат қилишда қўл келаётир.

Қашқадарё вилояти
"Туркистон-пресс"

Ёз фаслининг охирги ойи ҳам кўз очиб юмгунча ўтиб кетади. Таътилдаги болажонлар эса яна мактаб бағрига йўл олишади. Болалар учун ёзнинг эсда қоларли кунлари оромгоҳларда бўлса керак.

Тошкент туманидаги 7-мактаб қошида жойлашган "Ором" соғломлаштириш маскани ҳам бугун болажонлар билан гавжум. Хуллас, улар ҳозирда бир қанча дўсту-дугоналар орттиришиб, мириқиб дам олишмоқда.

Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат.

КЎЗГУДА ЕВРОПА

Юқоридаги ном билан номланган IX кинофестиваль Виборг шаҳрида 11 августдан 18 августгача бўлиб ўтади. Фестиваль ташкилотчилари Россия Федерациясининг кинематография хизмати, Москва режиссёрлар ва кинематографлар уюшмаси ва Рус-Европа киноассоциацияси.

Ушбу фестиваль ҳакамлар ҳайъатига 38 та фильм тақдим этилган. Фильмларни актёрлар, режиссёрлар, кинотанқидчилар, шоир ва ёзувчилар, хуллас барча ижод аҳлидан ташкил топган ҳакамлар баҳолайдилар.

Фестиваль Гарри Бардиннинг "Чуча-2" фильми билан очилади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газета материаллари «Ma'rifat-Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

Навбатчи муҳаррир: Дилбар ХЎЖАЕВА,
навбатчи: Шерзод АҲМАТОВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йилда рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-2717. Тиражи 14.802.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00.